КУТУБХОНАСИ

Миллий Тиклани ш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1996 йил, 30 июл | 30 (59)- сон

ЎЗБЕК МОДЕЛИ КАМОЛ ТОПМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ЯРИМ ЙИЛЛИК ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИҒИНДА ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛДИ ВА БИР ҚАТОР МУҲИМ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРДИ

Ўзбекистон ислохотларнинг — эркин бозор иктисодига кириб бориш, уни хар томонлама ўзлаштириш ва шу асосда мустаккиллигини мустахкамлашнинг ўзига хос йўлидан бормокда. Бундан беш йил мукаддам Ўзбекистон эркин бозор иктисоди олдида худди ёш шогирддек турар эди. У бозор иктисоди кошида айримлар каби титраб-какшаб-калтираб эмас, балки катъият билан ўз кучига ишонган холда ўкиш-ўрганишга дадил шай турди. Ва беш йил ичида жуда катта жасорат, акл-идрок, ирода намуналарини кўрсатди.

Бошданок Ўзбекистон эркин бозор иктисодига таклид килишни, таклидчи бўлишни истамади ва бу нарсани ўз олдига максад килиб кўймади. У янги тизимга ўз карашлари, ўз характери, феъл-атвори билан кириб борди. Президент Ислом Каримов етакчилигида янги йўллар, янги равишлар излади.

Ажабмаски, у бугун орадан беш йил ўтиб янги тизим — иктисодий тизимнинг ижодкори бўлиб колди.

Уста кўрмаган шогирд хар макомга йўрғалар, деган халкнинг доно накли бор. Ўзбекистон ўшанда жахон бозор ислохотлари тизимларининг бехад бой ва ранг-баранг тажрибалари олдида шундай уста кўрмаган шогирд ахволига тушиб колиши хеч гап эмас эди. Бу нотаниш кўчада ахвол ғоятда мураккаб эди. Бунинг устига авваллар биз бу кўчага кирмаган, уни кўрмаган эдик. Айрим хавойи коммунистик тасаввурларгагина эга эдик.

Рахбар салохияти ва жасорати билан Ўзбекистон бу ғаройиб ислохот кўчаси бошида кўркиб ўтирмади. Ортга тисарилиб кетишни хаёлига келтирмади. Бозор иктисодининг бутун мураккабликларини тўлик тасаввур килган холда унга адл кадам кўйди.

Биринчи одимлариданок максади таклидчилик эмаслигини рўй-рост кўрсатди. Ва бу кўча, бу йўлдан ўкувчи, шогирд сифатида эмас, том маънода ижодкор, мухтор ихтирочи сифатида боришини билдирди.

Ўзбек модели бугун орадан беш йил ўтиб эмас, ана ўшанда илк кадам ташланган чоғда туғилган эди!

Ўзбек модели оригинал, асил фарзанд каби юзага келди.

Бугун у образли килиб айтадиган бўлсак, тўлаконли муаллифлик хукукига эга!

Беш йил ичида у ажойиб ижтимоий-иктисодий ва хатто хеч адашмай, заррача муболаға килмай айтиш мумкинки, маънавий киёфа касб этди. Ва бугун 1996 йилнинг ярим йили якунларига тўхталганда, Президент Ислом Каримов ўзбек моделининг муаллифи сифатида унинг кучкудратга тўлиб бораётган киёфасидаги ўзига хос хусусиятлар тўғрисида фикр юритмокда. Бунинг энг кучли далили — ўзбек моделининг жахонда эътироф этилгани! Эътироф асосида эса иктисодий салмокли самаралар турмокда.

Президент Каримов мамлакат кўлга киритган ютуклар — иктисодий, ижтимоий силжишларни аник-равшан ракамлар, маълумотлар асосида теран тахлил килди. Бу тахлиллар ўзбек модели кучкуввати тўлиб бораётгани, дунё микёсида олганда ижтимоий тарихий ходисага айланганлигини исботлади.

Президент ғоятда камтарлик билан бу ютукларни — дастлабки нихоллар деб атади.

Бу том маънода мустакиллик нихоли!

Асл маънода ислохотлар нихоли!

Бундай ўтилган йўлга назар солиб карасангиз, бу нихол атрофида болта кўтарганлар хам кам бўлдими!

Лекин бағбон шунчалар кучли салохият ва акл-идрок, ирода, сабот сўрсатдики, ажиб нихолни неча турли офатлар, совук шамоллар, гармселлардан омон саклаб колди. Бу улуғ ишда ўзи ёлғиз колмади. Бутун онгли халкнинг диккат-эътиборини химмоға тортди. Халкни шунга ижодий тарзда машғул килди. Ва шунинг ўзи билангина чекланиб, каноат хосил килиб ўтирмади.

Бутун дунёнинг эътиборини Ўзбекистоннинг истиклол нихолига каратди. Ва ажабмаски, бугун дунёнинг барча кудратли мамлакатлари Ўзбекистонга бир бирадар сифатида карараб, унга мададкорлик кўлларини узатиб турмокдалар. Колаверса, бу хам ўзбек моделининг, унинг ижодкорона киёфасининг шарофати!

Ўзбек модели хозирда жуда хам кирродор ходисага айланган. Президент ўз сўзида унинг икки белгисига кенгрок, батафсилрок тўхталиб ўтди.

Ўзбек моделининг биринчи асосий белгиси:

— ИСЛОҲОТЛАРНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ;

Иккинчи мухим белгиси:

— ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ.

Булар агар таъбир жоиз бўлса, ўзбек моделининг олтин калитлари. Бу калитлар билан мамлакатда бенихоя бир характерли, хусусиятли олам очилади. Бу олам шундай белгиларга эгаки, унинг тахлиллари учун сотсиолог ва иктисодчи, сиёсатшуослар том-том китоблар ёзсалар мумкин. Ўзбек моделининг самараси дастлаб нималарда кўзга ташланади? Президент Ислом Каримов ўз сўзида буни хар томонлама тахлил килиб ўтди. Унинг энг мухим хулосалари шундай:

АСОСИЙ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРДА ЎСИШГА ЭРИШИЛДИ

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ СЕЗИЛАРЛИ ЎЗГАРДИ.

МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ЮЗ БЕРДИ ВА БУҲРОН ТЎЛА ЖИЛОВЛАНДИ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲОЗИР ТУБ ИҚТИСОДИЙ БУРИЛИШ ВА КУЧЛИ СИЛЖИШ ҲАҚИДА ТЎЛА ҲАҚ БИЛАН СЎЗ ЮРИТИШ МУМКИН.

ИЖТИМОИЙ ТУРМУШДА ЯХШИ ТОМОНГА ЎЗГАРИШЛАР КУЧАЙДИ.

ЭНДИЛИКДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ИЗЧИЛ ОШИРИБ БОРИШДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ТЎСИҚЛАР ЙЎҚ.

ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИЛК БЕШ ЙИЛИДА ИСТЕЪМОЛЧИЛИККА ЭМАС, САРМОЯЛАРНИ ЖОЙ-ЖОЙИГА САРФЛАШГА УРҒУ БЕРИЛДИ. ХАЛҚ БУ СИЁСАТНИ ТУШУНДИ ВА ҚАБУЛ ҚИЛДИ. ОСОН БЎЛМАГАН ЙЎЛЛАРНИ ТОҒДАЙ БАРДОШ КЎРСАТИБ ЕНГИБ ЎТДИ.

Мамлакатни оёкка тургазиш, миллий тикланишнинг дастлабки белги ва хусусиятлари мана шуларда намоён бўлмокда.

Ўзбек модели ўзининг яшашга хакини тўла исботлади. Эндиги унинг вазифалари: кенгайиб, янгидан янги ижтимоий сифат кўрсаткичлари касб этиб бормогидадир. Хеч нарса ўз-ўзидан самара бермайди, — деди Президент. — Халкнинг ижодий кучларигина хар кандай мустакиллик марросини эгаллашга, хар кандай улуг вазифаларни адо килишга кодир.

МУҲАРРИР

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ЭСКИ МАФКУРАВИЙ НОМЛАР ЧАЛҒИТМАСИН

24 июл куни Вазирлар Маҳкамасида «Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида»ги ҳукумат қарорининг ижроси атрофлича муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш. Жалилов, Ўзбекистон Фанлар академияси тилшунослик институти директорининг ўринбосари Э. Бегматов, Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ва республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг раиси Ш. Темуровнинг шу хусусдаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаш билан бир қаторда, жойларда ҳамон жиддий ўзгаришлар йўқлигини, хусусан, топонимик объектларнинг эски тузум ва коммунистик мафкурага хизмат қилган, халқимиз тарихи ва миллий анъаналарига боғлиқ бўлмаган номларнинг мавжудлигини кўрсатиб ўтдилар. Бу йўналишдаги қатор жиддий камчиликлар истиқлол мазмунмоҳиятини тушунмасликдан, миллий мафкура ва миллий ғурур сустлигидан, баъзан эса масъулиятсизлик ва бефарқлик иллатлари туфайли келиб чиқаётганлиги, бунинг оқибатида халқимизни янгича фикрлаш ва яшашга ўрганаётган бир пайтда мустақиллик ғояларидан чалғитаётганини алоҳида қайд этдилар. Вилоят, шаҳар ва туманлардаги айрим раҳбарлар, илгари мавжуд бўлган комиссиялардаги баъзи шахслар томонидан ўтмиш сарқитлари, мустабидлик қолдиқларини йўқотиш ўрнига, таниш-билишчиликка, чаласаводликка йўл қўяётганликлари кескин танқид қилинди. Айниқса кичик тижорат жамоаларига, муассасаларига турли шахслар номлари тасодифий тарзда қўйилаётганлиги салбий ҳол эканлиги айтилди.

Мустақиллигимизнинг 5 йиллик байрамигача жойлардаги комиссиялар фаолиятини жонлантириш, уларнинг ишини тубдан ўзгартириш, вилоят, шаҳар, туман, маҳалла фаоллари, оқсоқоллар йиғилишларида топонимик объектларга тўғри ном бериш, бу масъулиятли ишнинг аҳамияти ва зарурати аҳолига тушунтириш, шунингдек, эскирган, маънавиятимизга зид бўлган топонимларни қайта номлаш ишларини якунлаш чора-тадбирларини кўриш лозимлигига асосий эътибор қаратилди.

Мазкур қарор ижроси бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Мажлисда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, мутахассислар қатнашди. Уни Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, мазкур комиссия раиси С. Саидқосимов бошқарди.

(ЎзА)

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ҲОЖИМУҚОНЛАР БАҲСИ

Аксар қишлоқ спортчиси учун махсус спорт зали деган тушунчанинг ўзи йўқ—унинг ўрнини чимга буркалган кенг дала босаверади; машқ тоши ўрнига бир пудлик чўян кетмонни бемалол ишлатса бўлаверади...

Маълумки, Жиззах вилоятининг кўҳна Фориш туманида бир неча маротаба миллий спорт турлари бўйича республика миқёсида мусобақалар ўтказилиб, кўпчиликнинг олқишига, эътиборига сазовор бўлганди. Зеро, унутилаёзган ранг-баранг қадриятларимиз тикланишида, шу билан бир қаторда соғлом турмуш тарзини тадбиқ қилишда Фориш мусобақалари катта аҳамият касб этди.

Мана ниҳоят «Соғлом авлод учун» шиори кенг қулоч ёйган жумҳуриятимизда биринчи маротаба қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадаси ўтказилмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган ушбу йирик спорт байрами Гулистонда шанба куни тантанали равишда очилди. Кўплаб қишлоқ иқтидорли спортчилари иштирок этаётган мусобақалар 31 июл куни якунланади.

Албатта, тўрт юздан ортиқ кишини жойлаштириш, зарур шарт-шароитларни яратиб бериш осон кечмайди. Бироқ дастлабки кунларнинг ўзидаёқ спартакиадага Сирдарё вилоятида катта тайёргарлик кўрилгани маълум бўлди. Бунинг устига Ўзбекистон касаба уюшмалари федератсияси кенгаши, Агросаноат мажмуи ишчилари касаба уюшмаси марказий қўмитаси ҳам ўз ҳомийлик кўмакларини аямаяптилар.

АТЛАНТАДА

Афсуски кувонч билан қайғу ёнма-ён, деганларидек, Атлантадан нохуш хабарлар ҳам келиб турибди...

Американинг мақталган қўриқлов тизимига дарз кетди—якшанбага ўтар кечаси Олимпия боғида номаълум террорчи портлатган бомба натижасида икки киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ киши эса ярадор... Ҳолбуки, ташкилотчилар, ўттиз мингдан ортиқроқ кўрикчи қудратига шак-шубҳасиз ишонганлари боисми, Жоржия штатини энг тинч Олимпия ўйинлари ўтадиган ҳудуд, деб эълон қилишга шошгандилар.

Ёдингизда бўлса, 1972 йилги Олимпия ўйинларида ҳам мана шундай террорчилик ҳаракати бўлган ва унда бегуноҳ томошабинлар эмас, ўндан ортиқ Исроил спортчиси ҳалок бўлганди.

Хуллас, консерт берилаётган боғда бомба қўйилганлиги ҳақидаги телефон қўнғироғи бўлгандан сўнг махсус хизмат вакиллари нечукдир бу хабарни масъул идорага 18 дақиқадан сўнг етказдилар. Натижада пластмасса халтадаги бомбани хавфсиз жойга олиб кетишга вақт етмай қолди...

Террорчилик—асримиз вабоси. Яқин-яқиндагина, Олимпиада ўйинлари бошланиши арафасида америкаликлар икки юздан ортиқ йўловчиси бор самолёт ҳалокатини бошдан кечиргандилар...

Жоржия штатида 197 мамлакат байроғи туширилди, мусобақа бошланиши олдидан спортчилару ишқибозлар бегуноҳ қурбонларни бир дақиқа сукут сақлаб ёд этдилар.

Аммо ҳаёт давом этмоқда.

Бутун башарият байрами бўлган Олимпия ўйинларини бир телба террорчи тўхтатиб қололмайди.

Спортчилар жаҳон аҳлини ўз истеъдодлари, куч-қудратлари, чаққонликлари, санъати билан ҳайратга солмоқда. Ва мана шу улкан издиҳомда ҳамюртларимиз ҳам илк бор мустақил давлат вакиллари сифатида иштирок этмоқдалар.

Вакилларимиз эришган энг улкан ютуқ хозирча А. Багдасаров 86 килограммгача бўлган курашчилар орасида олган кумуш медал бўлиб турибди. Лекин мусобақаларнинг ўн куни ўтди, холос. Ҳали вақт бор...

ҚАЙДАСАН, ПАРИЖ...

Ўтган ҳафта қардош қозоғистонлик бир гуруҳ кино усталари пойтахтимизга ташриф буюрдилар. Сиймолари кино ленталари орқали яхши таниш актёрлар, таниқли режиссёрлар билан «Қозоғистон» кинотеатрида учрашув бўлиб ўтди, меҳмонларнинг энг яхши бадиий ва ҳужжатли филмлари намойиш қилинди.

Шундан кейин қозоқ санъаткорлари ўз сафарларини давом эттирдилар. Улар Марказий Осиё давлатлари, Россия орқали ўтиб, Оврупога чиқишмоқчи ва ўз сафарларини кино ватани бўлмиш Францияда, афсонавий Парижда тугатиш ниятидалар.

МЕН—МУАЛЛИФ, МЕН—НОШИР...

Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг навбатдаги олтинчи сессияси шу йилнинг 29 августида очилиши ва унда кўрилиши назарда тутилаётган масалалар хусусида Олий Мажлис Кенгашининг қарори босилиб чиқди.

Табиийки, Олий Мажлисда муҳокама этиладиган ҳар бир масала бугунги кунимиз учун у ёки бу даражада муҳим. Шу билан бир қаторда биз қалам аҳлини ниҳоят кейинги бир-икки йил ичида кўп бор тилга олинган қонунлар лойиҳаси муҳокама этилишга киришилгани айниқса қувонтирди. Гап «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисидаги» Қонунлар лойиҳалари устида кетмоқда.

Айтишларича, А. Кристининг машҳур «Қопқон» пиесаси ҳозирги кунгача адибанинг невара-чеваларининг тўқ-фаравон яшашини таъминлаб келмоқда экан. Ёҳуд америкалик қўшиқчи-шоир ўзининг бор-йўғи иккита асари билан миллионерлик шоҳсупаси сари қадам қўйган... Хуллас, бундай қизиқарли мисолларни истаганча келтириш мумкин.

Ҳар қандай ҳуқуқий-демократик жамиятнинг асосида қонун ётар экан, демак муаллифлик ҳуқуқию ноширлик фаолияти хусусида яхши, жаҳон талаблари ва тажрибасига мос қонунлар қабул қилинса, ўйлаймизки, бу ҳол айниқса ҳозирги бозор иқтисодига ўтиш шароитида барча ижодкорлар учун кўмак ҳамда рағбат вазифасини ўтайди...

Г. МУРОДАЛИЕВА

ЯНГИ ҚОНУНЛАР ТИЗИМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясини 1996 йил 29 августда чақиришга қарор қабул қилди. Олий Мажлис қўмиталари ижтимоий ҳаёт соҳалари тараққиёти учун сув билан ҳаводай зарур янги қонунлар устида фаол ижодий иш олиб бормоқдалар. Серзаҳмат, олижаноб ишлар натижаси сифатида яна бир қатор зарур қонунлар лойиҳалари тайёрланмоқда. Улар орасида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисми» (иккинчи ўқишда), «Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун», «Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги Қонун», «Муаллифлик ҳуқуқи» ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисидаги Қонун» ва бошқа яна бир қанча муҳим қонунлар лойиҳалари депутатлар муҳокамасига тақдим этилади.



Рақсга тараддуд

ЧЎЛПОН МЕРОСИНИ БИР ЧАМАЛАБ КЎРАМИЗМИ?

Бугун, Чўлпон таваллудининг 100 йиллиги яқинлашаётган пайт. Миллий маданиятимиз тараққиётининг бурилиш даврида майдонга чиққан Чўлпон ғоят сермаҳсул ва серқирра ижод қилди. Унинг адабиёт тамойилларини шакллантириш йўлидаги дадил тажрибалари замондошлари, адибу шоирлар учун бир мактаб бўлди. Таассуфки, Чўлпон асарларининг бир қисми бизгача етиб келмаган: унинг ўзи билан бирга ҳибсга олинган архиви — янги асарларнинг қўлёзмалари, қораламаю кундаликлар — бари мустабидлик қурбони бўлган. Чўлпон ўз вақтида матбуотда эълон қилган асарлар ҳам ҳалигача тўла тўпланган эмас. Албатта, унинг ниҳоятда бой меросини сатрлаб, мисқоллаб йиғиш, ўрганиш, изоҳлаш, нашр этиш биз — адабиётшунослар зиммасига тушади.

* * *

Чўлпоннинг ёшлик пайтларини билган кишилар (М.Муҳаммаджонов, Заки Валиди)нинг шоҳидлик беришларича, у ўсмирлик чоғидаёқ жадид матбуотини, нафақат Туркистонда, балки ички Русия ва Туркияда чоп этилган нашрларни ҳам мунтазам кузатиб борган.

Мутахассислар ўша газеталар таъсирида, жадидчилик ғояларининг тарғибию миллатни уйғотиш ишига кўшиш қилиш мақсади билан адабиётга кириб келган Чўлпон ижодий фаолиятининг бошланиши 1913-1914 йилларга тўғри келишини таъкидлашади. Ҳолбуки, адибнинг «Садои Туркистон» ва «Садои Фарғона» газеталарида чоп этилган, 1914 йилга мансуб асарларигина бизга маълум, холос. Чўлпон ўша ўзи ўқиб юрган газеталарга хат, хабар, кичикроқ мақолаю шеърлар жўнатиб, улар билан алоқа боғлашга ҳаракат қилмаганмикан?

Давоми тўртинчи бетда

АТАМАЛАРНИНГ АНИҚЛИГИ — ФИКРНИНГ ТИНИҚЛИГИ

Маълумки, ўтган йилнинг ноябр ойларида Марказий Осиё халқлари маданият вакиллари ва олимлари Тошкент шаҳрида тўпланиб, Президентимиз И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида янги бир ташкилот — ассосиатсия туздилар. Бу бирлашманинг раиси қилиб, машҳур адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов, унинг биринчи ўринбосари этиб ёзувчи Одил Ёқубов сайланди.

Ерлари туташ Марказий Осиё халқлари бир-бири билан қариндош — қиз бериб, қиз олади. Тарихда ҳам бу ўлка халқлари ягона Туркистон давлати заминида босқинчиларга қарши қўлни-қўлга бериб курашиб келдилар. Афсуски, ўтмиш советлар даврида болшевиклар бу халқларни парчалаб, дўстликка, бирликка рахна солдилар (аммо, шуниси қизиқки, ҳарбий томондан, ўлка бўлинмай, ягона Туркистон ҳарбий округига бўйсундирилди). Шунга қарамай, тили, дини, мақсади, сотсиал-иқтисодий аҳволи ҳамда ўзаги бир бўлган бу халқлар доим бир-бирига интилди, умумий муаммоларни бирга ҳал қилишга ҳаракат қилиб келди.

Ҳақиқатан ҳам, тарихий жараёнларни, маданият тарихини ва иқтисодиётнинг кўп муаммоларини фақат биргаликда ишлаб, ҳал қилишлари мумкин. Бу ва шунга ўхшаш муаммоларни ишлаш ва ҳал қилишни уюштириш ва мувофиқлаштириш юқорида айтиб ўтилган маданиятлар бирлашмаси зиммасига тушади.

Марказий Осиё халқларининг умумий ишларидан бири туркий халқлари ва тилларининг шакланиш жараёнини ўрганиш, имло ва алифболарни иложи борича умумлаштириш, айниқса атамаларни тўғри танлаш, уларни бир хил шаклга келтириш (унификатсия қилиш) ва бир қолипга солиш (стандартлаш) муаммосидир. Афсуски, Марказий Осиё республикалари олимлари бу соҳада ҳамкорликда ишлаб кичик атама луғатлари (маълумки, ҳар бир фан соҳасида 20-30 босма табоқ ҳажмдаги атамалар қўлланади) нашр этиляпти. Ваҳоланки, ҳар бир атама луғатидаги ҳар бир атамани мутахассис ва жамоатчилик билан бирга кўриб чиқиш зарурат эди. Атамақўм республикада атама луғатлари тузиш бўйича олиб борилаётган назарий ва амалий ишларни мувофиқлаштиришга (координатсия қилиш) чорланган . Бу талаблар «Атамақўм низоми»да аниқ кўрсатиб ўтилган. Атамақўм раҳбарияти кейинги йилларда ана шу низомга муҳим бир ўзгартиш киритди. Бу ўзгариш шундан иборатки, энди атамаларни, уларнинг янги шаклларини Ўзбекистон Олий Мажлисининг тегишли қўмитаси розилигидан сўнг, Олий Мажлис тасдиқлаши кўзда тутилган. Ахир янги атамаларни фаннинг 18 соҳаси бўйича тузилган комиссиялари томонидан тавсия этилиши, Атамақўмда ишлаб турган мутахассисларнинг кўриб чиқиши ва умумий мажлисида тасдиқланишининг ўзи кифоя қилмайдими?

Атамашунослик комиссиясининг Ўзбекистон Фанлар Академияси қошидан олиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурига кўчириш бўйича олимларнинг 40 йиллик ҳаракатидан мақсад Атамақўмга Республика идораси статусини бериш, унинг қарорларини Республика бўйича қатъий қонун сифатида қабул қилиш эди.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг Республика бўйича ишлари жуда кўп. Олий Мажлис Қонун ва тартибга кўра, янги алифбони ва имлони тасдиқлайди, унинг Маориф ва фан комиссияси Атамақўм ишини назорат қилади.

Атамаларни танлаш, алмаштириш ёки қўлланаётган шаклларини сақлаш бўйича нима ишлар қилиш керак? Бу вазифалар «Давлат тили ҳақида»ги Қонунда ва бошқа Ҳукумат қарорларида аниқ белгилаб берилган:

1. Қонуннинг 7-моддаси «... ҳамма эътироф қилган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш»ни талаб этади. Янги атамаларни «ҳамма эътироф қилиши» учун, Атамақўм низомига кўра, йилда 4 марта бюллетенлар нашр қилиб, унда янги атамаларни (иложи бўлса, уларнинг вариантлари билан) нашр этиб, жамоатчиликдан, мутахассислардан фикр олиш талаб қилинади. Бундай бюллетенлар 2 марта нашр этилди. Уларда умумий ва чалкаш мазмунли мақолалар ҳам йўқ эмас.

2. Атамаларни танлашда, фақат зарур бўлган ўринлардагина алмаштириш (вывеска — пешлавҳа, автор — муаллиф, текст —матн, гонорар — қалам ҳақи каби); агар илгари қўллаб келинган атамалар жамоатчиликка, фан аҳлларига тушунарли бўлса (физика, математика, нейтрон, протон каби минглаб атамалар), бундай атамаларни суньий равишда алмаштириш фанни ўзлаштиришга ва уни ривожлантиришга монелик қилиши мумкин, холос.

Янги атамалар танлашда Атамақўм пухта ўйланган фикр ва хулосаларга асосланиши керак. Буни биргина «атама» сўзининг ишлатилиши бўйича кўришимиз мумкин. Атамақўм 1994 йил 31 октябрда конференсия ўтказди. Бу конференсияда қўйилган маърузаларнинг ўзида ҳам «термин», ҳам «атама» сўзи қўлланган. «Ўзбек тили атамашунослиги» ахборотида ҳам (9-10- чақарув): «Фан-техника ва касб-ҳунарнинг бирор соҳасига хос... бўлган сўз бирикмасини термин деб аташ лозим. Умуман, нарса-ҳодисалар номлари маъносида атама сўзини қўллайвериш мумкин» (4-бет) деб, тушунтириш берилган.

3. Янги атамаларни белгилашда, уларнинг қатъийлаштиришга шошилмаслик керак. 30-йилларда ҳам велосипед — тепки арава, самолёт — учма поезд, трактор — ўт арава сифатида 10 йил давомида муҳокама қилинди, суньий атамалар мақолаларда, бадиий асарларда қўлланди ҳам. Аммо 40-йилларга келиб, велосипед, самолёт, трактор атамалари ўзлашиб қолди.

4. Ҳукумат қарорларида Атамақўм зиммасига кўпгина ташкилий ишларни бажариш ва бу соҳа бўйича назарий ишларни олиб бориш юклатилган: институтлар, нашриётлар, Фанлар Академияси Президиуми ҳузурда атамашунослик марказлари ва бўлимлари очиш, луғатшунослар ва фан сексиялари билан бирга ишлаш, матбуотда атама рукнлари ташкил этиш, бошқа республикаларнинг тажрибасини ўрганиш ва ниҳоят, бошқа республика олимлари билан ҳамкорликда атамаларни унификатсия қилиш (бирлаштириш) ва стандартлаш (бир қолипга туширш) билан шуғулланиш даркор. Турли вазирлик, идора ва муассасаларнинг ички атамалари, лавҳа ва йўриқномаларини Давлат тилига ўгириб бериш тўғрисидаги Ҳукумат топшириқларини тез ҳал қилиб бериш муҳим вазифалардан биридир.

Бундан ташқари, тез-тез телекўрсатувлар, матбуотларда чиқиб, Атамақўм иши билан жамоатчиликни таништира бориш, атамаларни танлашда жамоатчилик ва олимларнинг фикрини ўрганиш керак.

5. Атамақўм таркибини шу соҳанинг билимдонлари билан, таржимонлар ва газета ҳамда журнал ходимлари билан тўлдириш керак. ЎзРФА мухбир аъзоси, сўз санъатининг билимдонларидан бири бўлмиш профессор А. П. Ҳожиев 1941 йилда «Чумчуқ суйса ҳам, қассоб сўйсин» деган мақола билан матбуотда чиқиб, Атамақўм ишини яхши таҳлил қилган эди. Ҳақиқатдан ҳам, диагноз атамаси ташхис деб берилиши, бу сўзнинг бошқа вариантлари диагностика, диагнозироват каби атамаларни ташхис сўзи билан бериб бўлмаслигини, газета — рўзнома, журнал — ойнома бўлса, газетхон, журналхон каби атамаларни рўзнома, ойнома атамалари орқали ясаб бўлмаслигини тушунадиган, атамашунослик соҳасини яхши биладиган мутахассис олимлар керак. Ишларни жонлантириш давр ва ҳаётимиз тақозаси.

Ғани АБДУРАҲМОНОВ,

ЎзРФА мухбир аъзоси

АДАБИЙ КОНСЕПСИЯЛАР

ПОЙДЕВОР

Тўрт йилдан ошдики, ҳур замонада яшаяпмиз. Сиёсий мустақиллик бизга эркин ва дадил фикрлаш ҳуқуқини берди. Ушбу кичик мақола — адабиётшуносликдаги тетапоя қадамим. Унда оддий бўлса-да, ўз мулоҳазаларимни айтмоқчиман.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги «Ўзбекистоннинг сиёсий -ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» («Халқ сўзи», 1995 йил, 24 феврал) маърузасида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги жараёнларга янгича ёндошилган, масалага ғарбча қараш билан шарқча қараш ўртасидаги фарқ ҳақида дадил фикр юритилади. Албатта, бу тафовут, табиийки, конфликт масаласига ҳам тааллуқлидир. Масалан, беттачопарлик Шарқда одобсизлик хисобланса, айрим ҳудудларда эса жасоратга йўйилади.

Мустақиллик шарофати билан бугун олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниклаб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбик этмоғимиз керак. Бу фикрларни конфликт муаммосига тадбиқ этсак, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда конфликт қандай ҳал этилиши анъаналарига суянишимиз, ижодий ўзлаштиришимиз лозим, яъни қаҳрамонларга синфийлик нуқтаи назаридан эмас, балки яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият нуқтаи назаридан қарамоқ керак. Зотан, амалдорлар орасида ҳам, ходимлар орасида ҳам, масалан, ёвуз ёки хасис одамлар бўлиши мумкин.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор, дейилади ушбу маърузада. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараккий топади (таъкид бизники — К. И.). Бу соҳада инкилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, зотто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараккиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.

Шу фикрлар асосида конфликт муаммосига ёндашсак, қаҳрамонлар муносабати, муомаласи Шарқ одоби доирасида ва асосида бўлиши лозим хисобланади.

Маърузада айтилишига кўра, жамиятни демократлаштиришнинг учинчи муҳим шарти юз бераётган жараёнларнинг халкимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи кераклигидир. Бу ўринда нотиқ Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таяниши ва оммани ҳаддан ташқари сиёсатлаштиришга олиб келишини алохида таъкидлади.

Индивидуализм нима? Индивидуализм фалсафаси шахснинг чексиз, мутлоқ ҳуқуқларини тан олувчи, алохида шахснинг манфаатларини давлат манфаатларидан юкори қўйишга қаратилган ғоя асосида шаклланган. Зеро, Шарқ ва Ислом фалсафаси ҳам алохида шахси — Инсонни бисёр улуғлайди, унинг ҳаҳуқуқларини тан олади. Шу билан бирга инсонни жамиятнинг бир аъзоси билиб, ундан жамият манфаатларига хизмат килишни талаб этади.

Тан олиш лозимки, индивидуализм фалсафасининг айрим муҳим жиҳатлари бугунги тараккиётимиз учун зарур. Биз индивидуализмнинг ғояларидан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мустақил фикрлаш, шахсий масъулият ва бурч хусусиятларини шакллантиришда, тарбиялашда фойдаланишимиз мумкин. Бу, айникса, бизда барқарор бўлган жамиятарварлик, халқпарварлик билан уйғун этилса, яхши натижа беради. Индивидуализм хусусида гапирар эканмиз, бу ўринда Шарқ ва Ғарбнинг индивидуал шахс — Инсон консепсиялари ўртасидаги фарқларига назар ташлайлик. Зеро, ҳар кандай жамиятнинг даражаси, удаги демократик анъаналар тарзи Инсонга бўлган муносабати билан белгиланади. Ҳар кандай ислохот инсонга нима бериши билан баҳоланади.

Шарқ билан Ғарбни ўзаро фарклар эканмиз, бу икки ҳудудда мавжуд тафаккур тарзларининг хусусиятларини назарда тутамиз. Аммо бу Шарқ ва Ғарб тафаккурида ўхшашлик, айрим муаммоларда ягона бирлик мавжудлигини рад этиши эмас. Мантиқ ва тафаккур кобилияти барча миллатлар учун хосдир. Хис-туйғуларнинг ўхшашлиги туфайли, инсоннинг ўз-ўзига ва борликка бўлган муносабати, у каерда яшамасин, ўхшашдир. Шу билан бирга барча ўхшашликларга қарамай, инсоннинг айрим умумий муаммоларга муносабати унинг кайси минтакада яшашига қараб фарқланади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабекдан Хасаналининг кимлиги ҳакида сўралганда унинг олдида гапирмайди, у чикиб кетгач сухбатдошларига аста «қулимиз» дейди. Бошқа минтакада яшовчи шахс эса тўғридан-тўғри ўша захотиёқ «менинг қулим» деб мактаниши ҳам мумкин эди, бу ҳеч кимга эриш ҳам туюлмасди. Чунки у минтакада одоб-ахлоқ нормалари, муносабатлар биздагидан бошқачадир.

Тўғри, умумий муаммоларга одамларнинг муносабати ҳам турлича бўлиши табиий. Шу сабабдан инсон консепсиясига Шарқ ва Ғарбнинг ўз нуктаи назари бор.

Инсон оламни билишни истаса, энг аввало, ўзини кашф этмоғи лозим. Бу эса Ғарбнинг инсон ўзлигини билиши учун табиий борликни билишга татбик этмоғимиз керак. Бу фикрларни конфликт муаммосига тадбиқ этсак, халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда конфликт қандай ҳал этилиши анъаналарига суянишимиз, ижодий ўзлаштиришимиз лозим, яъни қаҳрамонларга синфийлик нуқтаи назаридан эмас, балки яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги зиддият нуқтаи назаридан қарамоқ керак. Зотан, амалдорлар орасида ҳам, ходимлар орасида ҳам, масалан, ёвуз ёки хасис одамлар бўлиши мумкин.

Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор, дейилади ушбу маърузада. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараккий топади (таъкид бизники — К. И.). Бу соҳада инкилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш, зотто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараккиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди.

Шу фикрлар асосида конфликт муаммосига ёндашсак, қаҳрамонлар муносабати, муомаласи Шарқ одоби доирасида ва асосида бўлиши лозим хисобланади.

Маърузада айтилишига кўра, жамиятни демократлаштиришнинг учинчи муҳим шарти юз бераётган жараёнларнинг халкимиз миллий маданиятининг ўзига хос жиҳатларини, унинг табиатини ўзида мужассам этмоғи кераклигидир. Бу ўринда нотиқ Ғарб намунаси кўп ҳолларда индивидуализм фалсафасига таяниши ва оммани ҳаддан ташқари сиёсатлаштиришга олиб келишини алохида таъкидлади.

Индивидуализм нима? Индивидуализм фалсафаси шахснинг чексиз, мутлоқ ҳуқуқларини тан олувчи, алохида шахснинг манфаатларини давлат манфаатларидан юкори қўйишга қаратилган ғоя асосида шаклланган. Зеро, Шарқ ва Ислом фалсафаси ҳам алохида шахси — Инсонни бисёр улуғлайди, унинг ҳаҳуқуқларини тан олади. Шу билан бирга инсонни жамиятнинг бир аъзоси билиб, ундан жамият манфаатларига хизмат килишни талаб этади.

Тан олиш лозимки, индивидуализм фалсафасининг айрим муҳим жиҳатлари бугунги тараккиётимиз учун зарур. Биз индивидуализмнинг ғояларидан жамиятимизнинг ҳар бир аъзосида мустақил фикрлаш, шахсий масъулият ва бурч хусусиятларини шакллантиришда, тарбиялашда фойдаланишимиз мумкин. Бу, айникса, бизда барқарор бўлган жамиятарварлик, халқпарварлик билан уйғун этилса, яхши натижа беради. Индивидуализм хусусида гапирар эканмиз, бу ўринда Шарқ ва Ғарбнинг индивидуал шахс — Инсон консепсиялари ўртасидаги фарқларига назар ташлайлик. Зеро, ҳар кандай жамиятнинг даражаси, удаги демократик анъаналар тарзи Инсонга бўлган муносабати билан белгиланади. Ҳар кандай ислохот инсонга нима бериши билан баҳоланади.

Шарқ билан Ғарбни ўзаро фарклар эканмиз, бу икки ҳудудда мавжуд тафаккур тарзларининг хусусиятларини назарда тутамиз. Аммо бу Шарқ ва Ғарб тафаккурида ўхшашлик, айрим муаммоларда ягона бирлик мавжудлигини рад этиши эмас. Мантиқ ва тафаккур кобилияти барларга бўлиш ҳам мутлақо сохтадир, бу жамиятни метиндек жипслаштирмайди, балки пароканда килади. Адолатли давлатимизда барча фуқаролар қонун олдида теппа-тенгдирлар, эзувчи ва эзилувчиларга бўлинмайдилар, балки бир ватаннинг ҳур фарзандларидир.

Совет даврида яратилган аксарият асарларда инсоннинг эркин ишк-мухаббатга интилишини шариатга карама-карши кўйишар, дин пешволари, диндорлар салбий образлар тарзида тасвирланар эди. Ваҳоланки, шариат Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифдек мукаддас китобларга асосланади. Мустақиллик шарофати билан бу мукаддас асарлар қайта-қайта нашр этилмоқда, Ўзбекистонимизда буюк давлат яратаётган замондошларимизни маънавий етук килиб тарбиялашда катта аҳамият касб этмоқда. Буюк аждодимиз, XII асрда яшаб, ижод этган Бурхониддин Маргилонийнинг бутун мусулмон оламида эътироф этилган «Ҳидоя» асарида ёзилишича, шариат бўйича никоҳланувчилар тенгдирлар, шариат аслида бойга ҳам, камбағалга ҳам ён босмайди, балки ахлоқ-одобга, поклиқа софликка даъват этади, хизмат килади. Бу билан демокчимизки, дин пешволари, диндорларнинг образларини тасвирлаганда мустақилликка эришганимиздан кейин вужудга келган имконият — нашр этилган мукаддас китобларга асосланиш ва риоя килиш конфликт муаммосини тўғр ечишга омиллардан бўлиши турган гап.

Собик Совет даврида ҳукм суриб келган догмалардан яна бири шу эдики, бойлар билан меҳнаткашлар ўртасида азалдан синфий зиддият мавжуд, деб хисобланар, турмуш ходисаларига коммунистик нуктаи назардан — синфийлик нуктаи назаридан қаралар эди. Ваҳоланки, бундай караш сохта бўлиб, ҳеч качон бир миллатни жипслаштирмайди, балки пароканда этади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш учун сазй-ҳаракат бошланган, шароит яратиб берилаётган мулкдорларга тўғри муносабатда бўлиш алохида аҳамият касб этади. Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Ёзувчи Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида тасвирланган Мирзакаримбой мулкдор бўлгани учун ёмон одам эмас, балки табиатан хасис, ҳудбин, кариндошларига бемеҳр шахс. Ёзувчи Ойбек Мирзакаримбойдаги мана шундай нукконларга Йўлчидаги сахийлик, тўғрисўзлик, ўктамлик каби фазилатларни карама-карши кўяди, конфликт ана шундан келиб чикади. Умуман эса эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги зиддиятдан конфликт келиб чикади. Агар ижодкор ҳаётдаги асосий конфликтларни чукур англаб, уларни ўз асарларида кенг ва теран акс эттира олса, асарлари мазмуни теран, шаклан пухта бўлади.

Масала мохиятига чукурроқ кириб бориш учун албатта атаманинг, луғавий маъносини аниклаш керак. Ўзбек Энсиклопедиясида ёзилишича, «конфликт» лотинча сўз бўлиб, ихтилоф, тўқнашув маъносини ифодалайди. Адабиётшуносликда — бадиий асарларда характерларо карама-каршилик, дунёқараш, қайфият ва ҳолатларнинг бир-бирига зидлиги.

Одатда ижодкор ҳар хил тилдаги образлар мохиятини тўларок ва аникрок чизиб беришда улар орасидаги зиддиятдан фойдаланади. Шу маънода конфликт бадиий асарда тасвирланаётган образ ва вокеаларни ҳаракатга келтирувчи асосий куч, асарга ҳаёт бағишлайдиган муҳим омил. Бадиий асар конфликти ҳар хил бўлади. Баъзан асарнинг ички кучини ундаги характерларо конфликт белгиласа, баъзан инсон билан табиий ходисалар орасидаги зиддиятлар белгилайди. Гохида ёзувчи бир асарнинг ўзида буларнинг ҳар иккисидан ҳам фойдаланади. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонида конфликтнинг ҳар иккала кўринишидан ўринли фойдаланилган. Конфликт адабий асар жанрларига караб фарқ килади. Прозаик асарларда конфликт канча кучли бўлмасин, унда ёзувчи зиддиятни бевосита ифода килмайдиган ҳар хил чекиншилар, изохлар, тасвирларга ўрин беради, поэмаларда эса конфликтга бевосита алокадор бўлган кўтаринки, руҳдаги ўринлар анча кўп бўлади. Драмада эса шахслар асардаги танланган ягона конфликт туфайли тўқнашадилар. Унда тасвирланган вокеалар асарнинг яхлит конфликти асосида ўрин олади. Жанрлар бир-биридан қай даражада фарқ килмасин, ижодкор асарнинг ҳар бир кисмида катнашадиган образни танланган асосий конфликт негизида харакатда кўрсатади, иккинчи, учинчи даражали конфликтларни бир нуктага йиғади ва уларни бош ғояни ифодалашга хизмат килдиради.

Адабиёт тарихидан маълумки, 40-йилларнинг охири ва 50-йилларнинг бошларида «Конфликтсизлик назарияси» деган караш пайдо бўлди. Бу «назария» тарафдорлари совет вокелигида жиддий карама-каршиликлар тугалланган деб хисоблаб, адабиёт ва санъатда ҳаётнинг зиддиятсиз акс эттириишини талаб килдилар. Кейин «Конфликтсизлик назарияси» коралангач, унинг акси бўлмиш бошка бир караш юзага келди. Бу ҳамма жойларда конфликт излайверишга, мавжуд зиддиятларни ошириб кўрсатишга олиб келди. Конфликт назариясидаги бу ҳар иккала чекиниш ўз вактида кораланди, бирок бу ижтимоий иллат ижтимоий ҳаётда вакти-вакти билан кўзга ташланиб келди.

Кўраяпмизки, конфликт атайин сусайтирилса ҳам, мажбуран ҳаддан ташқари кучайтирилса ҳам нафакат адабиёт ва санъатга, балки ижтимоий ҳаётнинг ўзига ҳам салбий таъсир этади. Чунки жамоатчилик фикрининг шаклланишида адабиёт ва санъатнинг таъсири каттадир. Юқорида айтилганлардан хулоса шуки, адиб ва санъаткорлар ҳаёт зиддиятларини доим реал акс эттиришлари зарурдир.

Камола ИБРОҲИМОВА

Бедор этар соат...

Маълумки, 1990 йил Ўзбекистон халқ шоири Хабибийнинг 100 йиллик юбилейи муносабати билан у туғилиб ўсган юрт Андижоннинг Пахтаобод туманида музей ташкил килинган эди. Ўтган киска вакт ичида музейга Хабибий ҳаётига доир жуда кўп маълумотлар йиғилди.

Музей ходимлари Кўқонкишлок адабий мухитига доир кўплаб ноёб дурдоналар тодилар. Жумладан, Кори Зокир, Мушток, Махжурий, Мавжий, Махмуд Жалил сингари зукко сўз усталари хакидаги топилмалар-маълумотлар шулар жумласидандир.

Мавлоно Кори Зокирни Хабибий домла ўзига устоз деб билган. Кори Зокир Мукимийга замондош, у билан хамфикр шоир бўлиб, демократик адабиётга муносиб улуш кўшган. Филология фанлари номзоди Наби Қобуловнинг илмий мақоласида айтилишича, шоир ўзидан девон колдирган экан. Бирок, айрим сабабларга кўра, улар бизга маълум эмас. Хабибий музейида эса 150 дан ортик турли жанрда ёзилган шеърлари сакланяпти.

Шоир Мушток хакида унинг ўғли Сайфиддин Шодмонов куйидагиларни баён килади. Айтишларича, Шодмон хожи — Мушток 18 ёшида хаж сафарига чикиб, кайтишда Истанбулда колади ва у ерда мукаммал тахсил олишга эришади. «Додамдан учта кўлёзма баёз колган», — дейди Сайфиддин ака. Шулардан иккитаси менда эди. Мархум профессор Хошимжон Раззоков илтимосига кўра унга берганман. У баёзлар хозир Андижон адабиёт музейида бўлса керак». Биз бу маълумотни олгач, адабиёт музейига бир неча марта бордик. Бирок топиб бера олишмади.

Яна бир пахтаободлик шоир Мулла Исхок Ўғли Махжурийдир. Бу инсон бутун умрини илохиятга сажда килиш билан ўтказган. Махжурий ғазаллари сам пинҳон колган. Биз бази хаётий кузатишларга кўра ундан анчагина баракали мерос колган бўлса керак, деган хулосага келдик ва кидиришга бел боғладик. Нихоят хозирги илмода кўчирилган бир кўлёзма дафтарини кўлга киритдик. Ушбу дафтарда шоирнинг алтмишдан ортик ғазал, мухаммас, марсия, касида, мактуб ва насихатлари бор. Бир мисол келтирай:

Эй банда, ғофил ўлма,
сенга фано яқиндир,
Турма бу ерда, анда
дорил бақо яқиндир.
Ҳар иш қилурсен андин
тангри эрур хабардор,
Бўйнингнинг томиридан
сенга Худо яқиндир.

Пахтаободлик яна бир зукко шоир Мухаммад Сиддик Мавжий бўлиб, у талабалик йилларидан шеъриятга ихлос кўйган. Туркий, форсий тилларида битилган ашъорларни кунт билан мутолаа килган. Ўзи хам икки тилда шеърлар битган.

Мавжийнинг тақдири ҳам замондошлари каби аянчли кечган. Мухаммад Сиддик йигирма тўрт йил саргардон яшади. Ватан ишки, юрт согинчи Мавжий шеърларининг мавзуйи. Кўлимизда бу инсоннинг ўттизга якин турли жанрларда битган шеърлари мавжуд. Биз уларни шоирнинг авлодлари кўлидан олишга муваффак бўлдик.

Музейимиз илмий ходимлари Кўқонкишлоклик бир серзавк шоир хакида хам маълуматга эга. Бу Хурхўжа Эшон Ҳузурийдир. У Хабибий, Махжурий, Кори Зокир,Анисий каби шоирлар билан бирга мадрасада тахсил кўрган, Хабибийнинг гувохлик беришича, Ҳузурий бадиий юксак ғазаллар битган. Шоирнинг тенгдошлари унинг шеърий баёз, хатто девон тузганлиги хакида хабар беришади. Огиздан оғизга кўчиб юрувчи «Соат» радифли шеърдан мисра:

Ибодат вақтида ислом
элин ҳушёр этар соат,
Тарих аҳлини ғафлат
хобидин бедор этар соат.

Жаноб Нақшбанду

Бистомий авлиё янглиг
Ҳамиша аллоҳ-аллоҳ
зикрини такрор этар соат.

Пахтаободда яшаган истеъдод эгаларидан бири муаллим Махмуд Жалилдир.

Махмуд Жалил 1919 йил Кўқонкишлокда туғилган, 1934 йил Андижон кишлок хўжалик техникумига ўкишга кирган. Талабалик йиллари Собир Абдулла, Султон Жўра, Хошимжон Раззоков, Карим Ахмадий каби каламкашлар билан хамсухбат бўлган. 1938 йили Пахтаободда чикадиган рўзномага мухаррир этиб тайинланган.

Кўлимизда унинг бир даста шеърлари мавжуд. Бу шеърлар унинг каламидан ўткир бўлганлигини кўрсатади.

Жамоатчилик Хабибий, Анисий, Сайфийлар катори ўзининг бу зиёли шоирларини хам билиши керак.

Музей илмий ходимлари бу йўлда анча ишлар килмокдалар. Бу ахли назмларнинг ижодий бисотларини биладиган бирор меросий хужжат, маълумотларга эга кишилар биз билан хабарлашсалар, ғоятда миннатдор бўлур эдик.

Ҳабибулло КАРИМОВ,
Зокир Ҳабибий музейи мудири

ЗИЁЛИЛАР

(Кўрган ва кечирганларимдан)



Ҳордиқ

1920-21чи йиллар эди. Тошкентнинг Себзор дахаси Сарҳумдан махалласидаги «Улуғбек» мактабида ўқир эдим. Мактабимизда шаҳарнинг таникли зиёлиси «раис» кўчалик Тангрикул хожи, себзорлик Махамадҳўжа домла, «Кози» кўчалик Саидазим домла, Акбар ака каби кимсалар ва турк зобитларидан Шукрибек, Абдулла човуш ишлар эдилар. Булардан ташкари Муродхўжа домла араб ва форс тилидан дарс берар, рус мактабини битирган Махмудхўжа ака мактаб мудири эди.

Махамадхўжа домла мадрасада мударрислик килган, шарк тарихининг билимдони бўлиб тарих ва тил дарсини ўтар эди. Бу киши ўша вактда мусулмонларнинг Уфа шаҳрида бўлган надва (катта йиғинда катнашиб сўзга чиккан ва хазрати Усмон кони теккан Қуръонни Тошкентга олиб келишга катта хисса кўшган. Қуръон надва карори бўйича Тошкентга олиб келинган, хозир назорати динияда сакланади.

Мактабнинг тил ва адабиёт ўкитувчиси Тангрикул хожи кўркам, вазмин, салобатли, шоирнамо киши бўлиб, ахоли ўртасида катта обрўга эга эди. Бир кун дарсда «Кумрининг нолиши» номли шеър ўкиб бизга ёздирди. Шу шеърдан эсимда колганларини келтираман:

Кумри қушим, нега тунлар
алам билан тўлгонасан
Тик ухламай эрта саҳар нолиш билан уйғонасан
Нолишингда ўтмиш кунлар ғазабидан асар бор
Нолима кўп бизга бир кун бахтли кунлар бўлар ёр.

Хакикатан, шоир башорат килганидек, 70 йилдан кейин юртимиз мустакил бўлиб эркинликка чикди.

Тангрикул хожи тарихни яхши билганидан вокеаларни ривоят тарикасида айтиб хаммани ўзига жалб килар эди.

Мактабимизда жуғрофия дарсини турк асирларидан зобит Шукрибек олиб борар эди. Ўзбек тилида жуғрофиядан дарслик Мунаввар кори томонидан ёзилган, у «Ер юзи» деб аталар эди. Шукрибек афанди китобни мактар эди.

1922 йили синфимиздаги хамма болалар Хадрадаги «Навоий» таълимтарбия техникумига ўтдик. Техникум мудири Туркияда тахсил кўрган ташкентлик Шохид Эсон номли кимса эди. У хам адабиётдан дарс ўтарди.

Техникумнинг биздан юкори курсида Ойбек, Миркарим Осим, Хомил Ёкублар ўкишар эди.

Бир кун бир катта хонага ўкувчилар йиғилдик. Райком комсомолдан К. Алимов деган кимса келиб техникумда комсомол ташкилоти тузиш хакида гапирди. Кейин шу йиғинда бўлган Шохид Эсон афанди сўз олиб «мактаб билим ўчоғи, сиёсат ўз йўли билан бориши керак. Комсомол ташкилоти ўкув ишларига салбий таъсир этса керак. Халкимизда бир кўлтиккa икки тарвуз сиғмайди... деган доно накл бор», деди. К. Алимов унга жавобан «биз ёшларни шундай тарбиялайликки, барни шимариб икки тарбузни бир кўлтиккa сиғдирадиган бўлсин», деди. Эсон афанди узр сўраб хонадан чикиб кетди. Вакил харакати билан комсомол ячейкаси тузиладиган бўлди.

Бир кун Ҳамза театрусининг собик биносида, яъни техникум биноси каршисида катта йиғин бўлиб, унда райком котиби Комилжон Алимов «Мафкура майдонида курош» деган мавзуда маъруза килди. Ўз сўзида жадидлар хакида кўп хунук гапларр айтди. Жадидлар бойлар малайи, ювиндихўри, халк душмани каби сўзларгача борди. Маъруза тугагач, сўзга чикувчи бўлмади. Охирида Мунаввар кори сўз сўради. К. Алимов имоси билан раислик килувчи: «Сизга сўз йўк», деди. Лекин залдаги халк талаби билан Мунаввар корига сўз берилди. У ўтирган жойида туриб халкка караб салом бергач, куйидагиларни деди:

«— Азиз биродарлар, биз жадидлар хакида маърузачи оғзига келганча гапирди. Аввало «жадид» деган сўзнинг маъносини тушуниб олайлик. «Жадид» — янгилик, янгича ишлаш деган маънони билдиради. Янгилик тарафдорларини «жадидлар» деганлар. Биз ўкиш, ўрганишда янги усул тарафдорлари бўлдик. Халк болаларини кандай усул билан тезрок ва осонрок билимли килиш бизнинг асосий максадимиз бўлган. Илгариги тахтада ўкиш, форсча сўзлар ишлатиш ўрнида ўз тилимиздан фойдаланиш йўлларини кўлладик. Олдимизга кўйган шарафли максадимиз турли сохаларда ўз тилимизда ўкув кўлланмалари — китоблар ёзишга мажбур этди ва ёздик хам. Бу маданий окартув ишларига сарф бўладиган харажатларни юртимиздаги кўли очик, сахий бойлардан олишга мажбур бўлдик. Чунки мустабид чор хукумати бизга бу ишларимиз учун пул бермас эди. Аксинча бизларни чакириб сўрок килар, окартув ишларни тўхтатишга ундар эди. Инкилоб бўлди деб, севиндик. Лекин ўзимиздан чикканлар килган ишларимизга рахмат дейиш ўрнига «бойлар малайи, ювиндихўр» деб хакорат киладиларки, бунга чидаш огир. Мактаб учун жой тополмагач, «Занжирлик» махалладаги ўз уйимни хоналарга бўлиб мактаб килдим. Она тилимизга доир китоб ёздим, динни ўрганишга доир бешта китоб тасниф килдим. Жўғрофияга оид «Ер юзи» номли дарслик килдим ва бошка кўлланмалар хам ёздим. Бу ишлар ватаним, халким олдидаги бурчимни бажариш эди. Бу ишларим тақдирланмай, малай номини олганимга чидолмайман», деб йиғлаб юборди.

Шундан сўнг халк сўкиниб залдан чикиб кетди, раис сўзига хеч ким кулок солмади.

Мунаввар кори 1927 йилда хам «Наримонов» техникумида ўкитувчи бўлиб ишлади ва Шорасул Зуннун, Каюм Рамазонлар билан бирга «Тил сабоклари» номли учта китоб ёздилар. «Занжирлик» махалласидаги мактаб килган уйларида бўлганман.

Қодир НОРХЎЖАЕВ

МУШТИПАРИМ

Уйим тўрида онам сурати. Бу суратнинг менга келиб тегишининг алоҳида бир тарихи бор. 1944нчи йиллар — уруш пайтлари эди. Ҳамза театри қошида театр студияси ташкил этилиб, йигирма чоқли санъатсевар орзуманд ёшлар қатори камина ҳам шу дастага бош суқиб кўрганман. (Ахир санъатнинг сехрли олами кимни ром этмаган дейсиз.) Театр ҳовлисидаги кичкинагина кулбада — студияда дарслар тугагач, дарҳол томоша залига ошиқамиз — у ерда айни репетитсия чоғи — Ҳамза театрининг Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Амин Турдиев, Шукур Бурҳонов, Обид Жалилов, Ҳикмат Латипов, Сора Эшонтўраева, Холида Хўжаева, Шоҳидахоним Маъзумова каби севимли артистларимизнинг Уйғур оға раҳбарлигидаги репетитсиялари жараёнидаги мулоқотлари бизни — студия талабаларини хўбам қизиқтиради...

Ана шундай кунлардан бирида баланд бўйли,қотмадан келган бир артист мени чақириб қолди:

— Ҳой, оппоқ қизим, сен буёққа қарагин-а...

Курсдошларим даврасидан ажралиб, тўпланиб турган артистлар ёнига уялиб-қимтиниб бордим.

Новча артист, исмимни, отамнинг исмини сўради. Айтдим.

— Ёпирай! — деди у ёқасини ушлаб. — Қиз бола ҳам отасига шунчалар ўхшайдими — икки кундан бери бу қизимни кузатаман, афти-ангоридан ўхшатдиму, юриш-туришидан аниқ танидим-а. — Кейин Аброр акага ўгирилди.

— Сен бу ёққа қарагин-а, Аброр. Бу қизим ўзимизнинг Саид афандининг қизи экан-у... (Отам Истанбўлда ўқиган, ўқитувчи бўлганлар — талабалар дадамга «афандим» деб мурожаат этишган. Шундан бўлса керакки, катта-кичик баробар Саид афандим, деб атаркан).

Наримон оға ҳаяжонланиб, биров сўзлатмай қўядигандек шошиб-шошиб гапира кетдилар:

— «Тоғ-тоғ билан учрашмайди, аммо одам одам билан учрашади» деганлари рост экан-да. Эсингдами, Саид Аҳрорий ўғил кўрганда уйида — Самарқанддаги Маҳмуд Хоразмий маҳалласидаги хонадонида меҳмон бўлганмиз — ўғлига Кенгаш деб исм қўйганмиз...» — Говур-ғувур қилиб дадам ҳақида сўзлашиб кетишди. — Театрда Саид Аҳрорийнинг «Қизил аскар» драмаси қўйилгани, ким қайси ролни ижро этганини эслашди...

— Менимча, сен бош қаҳрамонни... Болтамиди... ўшани ўринлатгансан... Айниқса девоналигини боплагансан... — дедилар Аброр Ҳидоятовга Шокир оға, кейин менга ўгирилдилар:

— Қизим, Холидахон, ростдан ҳам, сенга нега Холида деб исм қўйганини биласанми отангнинг?.. Туркияда Холида Адиб деган адиба аёл бўлган. Муҳаммад Саид қизини ўшандай адиба, оқила бўлишини орзу қилган... — дедилар. Кейин негадир шоша-пиша қўшимча қилдилар: — Сен-чи, қизим, эртага... йўқ, йўқ бириси куни худди шу соатда шу ерга кел. Мен сенга бир сурат келтириб бераман. Кейин яна Аброр акага ўгирилдилар: «Худо билади яна, уйларида сурат оти қолмагандирам». Сўнг яна менга қарадилар: «Индинга шу ерга албатта келгин-а. Ойингга — Вазирахонимга мендан салом айт. Артист Шокир Нажмитдинов — отамнинг қадрдон дўсти салом дедилар, деб айт...»

Келишилган куни Шокир оға: «Омонатни чин эгасига топширганимдан хурсандман, — дедилар-да, бетига целлофан қоғоз тутиб, йигирма йил давомида асраб-авайлаб қўйилган бир сурат бердилар менга. (Ҳозир эътиборингизга шу суратни ҳавола қилаётирман.) Сурат тагида дадамларнинг араб алифбосида ёзган дастхатлари: «Биродарим Шокир Нажмитдин ўғлига чин дўстлиқ ва биродарлик армуғоним». 16.VI. 1925 йил.

Репетитсиядан бўш бўлган артистлар атрофимизни ўраб олдилар. Биров: «Савоб иш қилдингиз» деса, бошқа бирови: «Ўлгандан қолган яхши» дегани шу экан-да, — дерди. Ёш эдим — бу гапларнинг мағзини чақишдан у чоқлар ожиз эдим...

— Саид афанди деганингиз қандоғ одам экан-а?.. — деди ёш аёл артистлардан бири. — Шундай гўзал, ўктам рафиқаларининг суратини дўстларига армуғон қилсалар... Қойил-е... — ёқа ушлади у.

— Зўр одам бўлган Саид афанди. Чинакамига маданиятли киши бўлган... — бир хўрсиниб деди Шокир Нажмитдинов. — Бундай одамлар юз йилда бир бино бўлади... — Яна қўшиб қўйди у... — Шундаям худо буюрса...

Шу-шу онам сурати менда — уйим тўрида.

Хулласи калом, қўлимда онам Вазирахон сурати — қараган сайин қарагим келаверади, онамнинг ҳусн-малоҳатига маҳлиё боқаман — кўз ололмайман. Мени онамнинг эгнидаги либосидан тортиб суратга тушиш ҳолати ҳам ёқарди. Одатда, кўплар суратга тикилиб тушадилар. Лекин онам, қўлларидаги газетани мутолаа қилиб ўйчан ўтирибдилар. Ўша йиллардаги суратга тушиш урфига кўра бир ўрим қалин қора сочлари олдиларига ташланган, қулоқларида жажжигина исирға, кўйлакларининг кўксида садаф кўзли тўғноғич — ортиқчалик, ҳашам йўқ. Отам ҳали ҳаёт — онамнинг масъуд дамлари. 1925-йилда — дунёга келмасимдан олдин олдирган бу сурат қўлимга йигирма йилдан кейин тегди. Ҳамон менда — эллик йилдирки, уйим тўрида. Суратга тикиларканман, дадамнинг 1922 йилда Боку шаҳрида онамга бағишлаб ёзган «СЕН ЯША!» шеъридан қуйидаги сатрлар ёдимга тушади:

«...Вазирам, кул, хандалар соч менинг
нурсиз умримга,
Вужуд бериб, жон бағишла
гўзал тилакларимга!
Тилагингча очил, яйра, ўйнаб
яшна, қанотлан,
Булбул каби сайраб учгин, яша
менинг бағримда!»

Ҳаётда нималар бўлмайди. Баъзи воқеалар ҳақида сўзласалар, эшитган қулоғингга ишонмайсан. Агар мен сўзлаб бермоқчи бўлган фожиа ўз яқинларим — ота-онам бошидан ўтмаганда мен ҳам бунга ишонмаган бўлардим. «Касби журналистлик бўлгандан кейин тўқиб-чатийверади» деб ўйлаган бўлардим... Аммо мен ёзажак воқеалар бари бўлиб ўтган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳақиқат.

Отамдан ёш етим қолганман. Отам ўлмаганлар. Эрта билан ишга кетганлару, шу-шу бедарак йўқолганлар. Эсимни таниб, ўқишга, ишга кирганимда — бутун умр анкета тўлдирилганда отам бедарак йўқолганлар деб ёзиб келганман.

Ёш етим қолганим учун отам ҳақида ҳеч нима билмасдим. Бошингда бузрукворинг бўлмагач, ҳар ким ҳар хил маслаҳат бераверарқан. Менга ҳам аввалига: «Фамилиянгни ўзгартиргин, холанг каби Раҳмонова бўлгин, отангни ўлган деб ёз», деб маслаҳат бергучилар бўлган. Энди билсам, улар менга яхшиликни раво кўришган — тинчлигимизни кўзлашган. Бу тўғрида онамга айтганимда, шундай жавоб берганлар: «Бир бошга бир ўлим. Фамилиянгни ўзгартирсанг — ёлғончи бўласан... Отанг ким дейишса Раҳмон дейсанми. Инсон боласи бошига қилич келса ҳам ёлғон гапирмаслиги керак. Отанг масаласига келсак, шуни қулоғингга қуйиб ол — отанг ўлмаганлар. Бу қандайдир бир сир — ҳақиқат қирқ йилдан кейин ҳам юзага чиқади, албатта. Мени десанг — менинг фарзандим бўлсанг ҳеч қачон ёлғон гапирмайсан...»

Онам Вазирахон шундай одам эдилар.

Онагинам Вазирахон — қўли очиқ, кўнгли очиқ дилбар аёл! «Қўлингдан бермасанг ҳам, йўлингдан бер» деб, холис хизмат қилишга ўргатардилар. Уруш йиллари. Ҳужжатларсиз бир иш битириб бўлмайди. «Фалончининг метрикаси йўқ экан, кўмаклашиб олиб бергин — нафақага илинсин. Бўлмасам қийналиб қолишади» — дердилар. Ёинки, фалончи «коннойинг уй дафтарига ёзилмаган экан. Ёздириб келгин, нон карточкаси олишмаса аҳволи вой...» — дердилар. Билардим, биров уларга мурожаат қилмаса ҳам, азбаройи нажот қўлларини чўзиш истаги билан шундай сайҳаракатда юрардилар. Эсимда бир маҳалладошимизнинг келини кўзи ёригач оғир дардга — руҳий касалликка чалинганда дуохонга қатнашди, чилёсин ўқитдиришди — бўлмади. Чақалоқни олиб қолиб, келинни отасиникига жўнатворишмоқчи бўлишди. Шунда онагинам келинни етаклаб докторма-доктор юрдилар, руҳий касалликни даволовчи шифохонага олиб бордилар, келинни даволашга ётқиздилар — ўзлари бориб хабар олиб турдилар. Ўша даврларда бизнинг «Катта Қозиробод» маҳалламиз тарафларга ҳеч қандай транспорт қатнамаслиги — ҳамма ерга пой-пиёда юриш кераклигини ҳисобга олганда — бу ишларнинг қанчалар сермашаққат эканлигини англаш мумкин. Ўша аёлни ҳали-ҳануз кўраман. Соғайиб кетганлар, ўғил-қизлар, келин-куёвлар, қатор набиралар кўрганлар. Дуч келишиб қолганимизда ҳар доим онамни эслайдилар. «Вазирахон опам бўлмаганларида ҳолим нима кечарди билмадим... — дейдилар набиларига ишора қилиб... Тирикликларида қилган яхшиликлари учун вафотларидан қарийб ўттиз йил ўтиб ҳам миннатдорлик билан эслашади онагинамни... Онагинам Вазирахонни...

Онагинам Вазирахон... Онагинамни эсласам юрагим ўртанади, бутун борлиғим бўронда қолган навниҳолдай тўлғонади. Тирикчилик ва фарзандлар ташвиши, фарзандлар доғи ва азобларидан ҳоли сира кўрмаганман. Шўри қайнаган онагинамнинг кечмишлари, дардлари юз аёлга тақсимланса оғирлик қилади, деб ўйлайман.

«Онагинамнинг ҳеч бахтли кунлари бўлганми?» — сўрайман ўзимдан ва етмиш йилдан бери хонадонимизда сақланиб келган қатор суратларни эслайману, «ҳа, оилавий ҳаётларининг илк йиллари истиқлол учун курашган Муҳаммад Саид Аҳрорий мустабид давлат тарафидан отувга ҳукм этилиб 1931 йилда отиб юборилгангача ўтган ўн йиллик оилавий ҳаётлари бахти бекам даврлари бўлиши керак, деган хулосага келаман. Дадам хизмат қилган Бухоро, Боку, Самарқанд, Беҳбуди, Қарши шаҳарларида умр йўлдоши қай шаҳарга ишга юборилса кетидан кўч-кўронини ташиб, тўрт норасидаси билан мусофирчиликда яшаган эсада онагинам суюк умр йўлдоши меҳри ва ардоғида бўлганлар деб биламан.

Болалигимда онам билан суратлар томоша қилишни яхши кўрардим. Ҳар бир суратга онам изоҳ бериб ўтирардилар. «Онажон, манави ким?» — сўрайман, қандайдир ҳарбий либосда, бошига оқ қалпоқ кийган одамни кўрсатиб. «Даданг бу. Ёнида тик турган аёл — мен. Келинлик чоғимда тушганмиз. Даданг ўзлари очган «ВАТАН» деган мактабда бир йўла бир неча фандан иш ҳақи олмай дарс берардилар. Ҳарбий тажрибалари бўлгани учун ҳарбий машқни ҳам ўзлари ўтказардилар. Ҳарбий машқдан кейин танаффус чоғида суратга тушганмиз» дейдилар. Иккинчи бир суратни кўрсатиб, ҳикоя қиладилар: «Бу суратга 1922 йилда Боку шаҳрида тушганмиз. Аканг Аҳмадхон туғилган кезлар. Даданг у чоғлар Бухоро шўролар жумҳуриятининг Озарбойжондаги мухтор элчиси эдилар»... Бу ҳикояларни эртак тинглагандек эшитаман.

Ана шу йўсин мен онам ва отам ҳаётига ҳужжатлар оралаб назар ташларканман, гўдаклигимдан онамнинг отам ҳақидаги сўзларидан меҳр-оқибатни ҳар доим ҳис қилганман. Эслайман — онам ҳеч қачон «яхши ўқигин» демасдилар. Балким, отанг ҳар доим «менинг қизим эсли-хушли. Мен уни Англияга юбориб ўқитаман — эплайди» дердилар. Яхши ўқияпсан, даданг кўрсалар, хўбам қувонардилар-да, — дейдилар. Биз учун бу энг аъло баҳо эди. Отамиз қувонаркан... Лекин алифболар алмашиб онам ҳозирги ёзувларни ўқий олмай қолдилар.

Эсимда: фронда жанг қилган акам Аҳмадхондан келган хатларга термилардилару, биров ўқиб беришини кутардилар. Акамга жавоб хати ёзолмай юм-юм йиғлардилар. Рассом бўлиб етишган акам Аҳмадхон Аҳроров 1942 йилда аскарликка олиндилар. 1942 йил июнини эсласам, юрагим орқага тортади. Онагинам нақ соя бўлиб қолдилар. Акам жўнаб кетгач, орадан бир ҳафта ўтмай, ётиб қолдилар — ортиқ қадларини кўтара олмадилар. Ўшанда онам эндигина ўттиз етти ёшга кирган эдилар.

Ёшимга ёш қўшилгач, онам дардини тушуниб етгандай бўлдим. Тушундим деб сира айтолмайман — тушуниб етгандай... Лекин юрагимга биргина фикр таскин беради — онагинам ҳаёт бўлсалар менинг афсус-надомат чекишимга йўл қўймасдилар — ўтган умрга ачинишимни лозим топмасдилар.

Холида АҲРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

Тафаккур меросимиздан

Садоқатли толиб

Хожагий
КОСОНИЙ

Боши ўтган сонда.

Ҳар кишидан сенга етушса неъмат,
Унинг қадрини билгину шукр қил.
Ҳеч бир шукр қилмайдиган бандани,
Худога шукрнинг торики деб бил.

Шунингдек, ушбу ўринда олий мартабали Убайдуллохондан қуйидаги рубоий ворид бўлубдур:

Юз шукрки, мен аҳли шариат бўлдим,
Бу зумрада арбоби тариқат бўлдим.
Гар изласак асрори тариқатни нетонг,
Жўяндаи асрори ҳақиқат бўлдим.

Бу мақом, солик учун ҳақиқат билимларининг дарди ва уларни талаб қилиш мақомидур. Шунингдек «Ман талаба ва жадда, важада», яъни «ҳар ким бир нарсани истаб саъйи ҳаракат қилса, унга, албатта, эришади» деган ҳадис ҳукмига биноан, солик учун Ҳақ асрори ва билимларини истагандан кейин, уларни ўз қалбида топиш мақомидур.

Кечаю кундуз қидирдим васлини,
«Ман талаб» ҳукми билан топдим ани,
Икки қўл бирлан талаб қил доимо,
Эзгуликка бу «талаб» дур раҳнамо.

Шу онда унинг бирдан бир йўли мазкур талаб ҳисобланади.

Солик ўз қалбида илоҳий асрор ва маорифга эришгандан кейин завқ, қувонч ва шодлик унга ҳамроҳ бўлади.

Дўстдин мамнун бўл, ўзни шод бил,
Пўст ичида ғунчадек сиғмай очил.

Бу мақом — ишқ, дард ва куймоқ мақоми бўлиб, у тупроқсифат, қарорсиз ва оромсиз бўлиш ўрнидур. Ҳақиқий маҳбуб ишқида асир бўлиб, барча инсонлик сифатларини талон-тарожга бериб, ёқиб юбориш мақомидир.

Кимлар юрадур севги йўлидин дединг, эй дўст!
Мотамда эзилган неча бор хокбасарлар.
Севгидур оташ бу ерда ақл дўд,
Севги келмоғи-ла қочгай ақл зўд.

Маҳбуб севгисининг ошиқ қалбида туташганидан кейин, унинг қалбидаги ҳақиқий маҳбуб васли йўлида тўсқинлик қилиб турган барча ҳижобларни ёндириб ташлаш ва бу ҳижоблар қуйдирилгандан кейин, муҳиб маҳбубнинг ўзи бўлиши мақомидур.

Кўзадан дарёга тушса сув агар,
Маҳв ўлуб дарё бўлур сўз мухтасар.

Ушанда унинг забони ҳоли ушбу таронани куйлайди:

Севги келибон қўшулди қоним бирлон,
Мендан чиқариб «мени» ўтирди Жонон.
Дўст олди вужудимни бутунлай, қолди,
Мендан фақат от, бошқа бариси ул жон.

Ҳақиқатда ҳам, бу «ман арафа нафсаҳу, фақад арафа раббаҳу», яъни «ҳар ким ўзини танисан худони танийди» деган мақом ана шундан иборатдур.

Солик ўзини танигандан кейин Ҳақ таолони ва унинг дўстларини таниб олиши лозим бўлади. (Чунки) Тангри субҳонаҳу ва таоло ва унинг дўстлари бир ҳақиқатдандурлар. Уларнинг барчалари ўз ҳақиқатларига эришиб олгандурлар. Шу аснода улардан содир бўладиган нарсалар, дарҳақиқат, ўшал ҳақиқатдан содир бўлғусидур ва уларда ҳеч қандай бошқа бир нарса бўлмагай. Улар ҳолининг тили ушбу замонда қуйидаги байтни куйлайди.:

Севги нимадур дема, ўзимман,
Жонман бутуну, ўринда йўқ тан.

Бошқа матлаб булдурким, Ҳақ субҳонуҳу ва таолонинг дўстлари ушбу фақру муродсизликлар билан (ҳақиқий) салтанатнинг қандай бир ҳузур ва даражасида турар эканлар. Дарҳақиқат, ҳазрати пайғамбар алайҳиссалом бутун коинотга фақирлик билан фахрланиб «Алфакру фахрий ва биҳи афтахиру», яъни «фақирлик менинг фахрим, мен у билан фахрланаман» деган эдилар. Олий мартабали хон ҳам қуйидаги рубоийлари билан, ушбу мақомдан хабар берадилар:

Онларки, асири ишқи Жонондурлар,
Йўл тупроғи бирла тенгу яксондурлар,
Дарвишсифат кўринсалар зоҳирда,
Маъни юзидин ябғу-ҳоқондурлар.

Тариқат солики дарвишлар кийими ва суратида ҳақиқий салтанатга эришиб, зоҳирий подшолик ва унинг заҳмату қийинчиликларидан қутулиб, бу тоифага хос завқлар, ҳолатлар, юксак мақомларга эришгандан кейин машқлар қилиш орқали нафс мақомидан юксалиб, соликнинг хитобига ўрин бўлган қалбга айланди. У ҳар доим ўз қалбини ҳушёрликда сақлаб, ҳар қандай дунёвий ва бошқа қайғу-ю ғам сарчашмаси бўлган зоҳирий шоҳликка такрор қайтмаслик учун, унга танбеҳ бериб туради.

... Муршид суҳбати, унинг шарофатли мулозамати ва хизмати туфайли гарчи солик ушбу тубанликдан жой топган бўлса ҳам, лекин у ўз нафсидан ва инсу жинс шайтонлари тузоғига илиниб қолишдан қўрқиши керак.

Эй садоқатли толиб, мана кўрдингми, одам авлодларининг барчаси аслида ҳар қандай булғанчликлардан поку покиза бўлган эканлар ва бу дунёдаги нопокликларга ва булғанчликларга мазкур хунук, ёвуз ниятли суҳбатдошларнинг суҳбати орқали йўлиққан эканлар ва бу суҳбатдошларнинг энг ёмони ёмон инсонлардур. Уларнинг шарридан кўпроқ ҳазар қилиб, комил пир этагини маҳкам тутиш керак. Чунки нафс ва шайтон суҳбати шарридан, пир суҳбати ва унинг шарафли илтифоти барокати туфайли қутулиш мумкин, чунончи айтибдурлар: «шайтон Умарнинг соясидан ҳам қочади» ёки «Ҳақ зикридан раҳбар пирнинг сояси афзалдир».

Аммо шайтон қиёфасидаги одамлар шарридан қутулиш жуда оғирдур. Чунки ҳар доим ҳамжинслик юзасидан улар билан ўлтириб туриш лозим бўлади. Ўлтириб туриш ҳар қанча нафсонияти ғолиб бўлгани учун нафсни ҳам ўз томонига тортиб олади.

Чунончи, Ҳақ субҳаноҳу ва таоло одамни шунга қобил қилиб яратганки, ҳар бир инсон ким била ўлтирса, андин ранг олур. Бас, солик зарурат юзасидан, шундай ёвуз ниятли суҳбатдошларга дуч келиб қолганда ҳам улар қаторига кириб қолмаслик учун иложи борича ундай ҳамжинс суҳбатдошлар шарридан қочиш лозим бўлади.

...Ҳақиқий маҳбуб висолига эришишни истар бўлсанг, йўл кўрган ва йўлни билиб олган комилу мукаммал Муршидга мурожаат қилиб, унинг этагини тутишдан ўзга йўл йўқдур.

Эллик йил қон йиғламаса кўнгил кўзи,
«Қол»дан «Ҳол»га ўтиш йўли бўлмас рўзи.

Эй солик! Сен қачон айтиб ўтилган йўллардан бири орқали кўнглинг кўзгусини ҳар қандай зангу ғуборлардан покиза қилсанг, ўша замон ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида кўнглинг кўзгусида тажалли қилғусидур:

Хушдурлар ёр излаб, ёрни топганлар,
Кўп қарорсиз бўлиб, қарор топганлар.

Ушбу ўринда сендан ошиқ бўлиб ишқ мақомига эришганингга далолат қилувчи сўзлар ва ҳикоятлар содир бўлғусидир. Чунки бу севги ва муҳаббат мақомидур.

Бу ўринда ошиқларнинг иши ҳар лаҳза ва ҳар он кўтаринки ҳолда бўлади. Чунончи олий мартабали хоннинг қуйидаги рубоийлари бундан далолат беради:

То севги тариқу расми бўлди пайдо,
Ошифта бу кўнглим ичра солди ғавғо.
Зулфига боқиб бўлган унга шайдо дил,
Девона бу кўнглум каби бўлди расво.

Ҳақ субҳаноҳу ва таоло иноят ва шафқат кўплиги юзасидан ҳар лаҳза ва ҳар замон ошиқлар ботинига тажалли қилиб туриб, улар таскин топсин деб, ҳар нафас ва ҳар замон уларнинг ҳаяжон ва девоналигини оширади. Ушбу куйиш ва девоналик орқали улар ҳар лаҳза ўзларини ул жанобга яқин ва ошно этадилар. Чунончи айтибдурлар:

Жунун йўли, ўзга йўлдин айирур,
Бу йўлдан воз кечиш девоналикдур.

Ошиқлар севги ва интизорлик шиддатидан йиғламоқ, инграмоқ, куймоқ ва куйинмоқдан ўзга илож топа олмаслар:

Севги кўнгил зорисидан билинур,
Дардлар қачон дил дардига тенг келур.

Чунки ошиқни маҳбуб висолига йиғи ва зоридан ўзга нарса етиштира олмайди.

Мутаржим Абдулҳаким
Шаръий ЖУЗЖОНИЙ

АЛЛА АЙТГИМ КЕЛАР...

Биз кичкиналигимиздан оналаримиз ва момоларимиз аллаларини тинглаб улғаямиз.

Энг нурли ва пок туйғулар мурғак қалбимизга «алла» оҳангларила муҳрланган бўлса ажаб эмас. «Алла»ларни биз кўпроқ момолар номи билан боғлаймиз. Лекин, қизиқ, эркаклар ҳам алла айтганмикинлар? Биз бунга, албатта, айтганлар, деб жавоб берамиз. Аллаларни боболаримиз баъзан соз жўрлигида, баъзан бесоз, баъзида сўз билан (сўз қўшиб), баъзида бесўз ижро этиб келишган.

Тасаввур қилинг: невара недандир кўнгли тўлмай бақириб-чақириб йиғлаяпти, шунда бобо эрка неварани тиззасига олиб юпатади-да, кўп қадимий оҳангни астасекин хиргойи қила бошлайди... ана шунда мўъжиза юз беради: гўё бутун борлиқ ана шу сирли оҳангга маҳлиё бўлади. Қарабсизки, бир неча сонияда «қулоқсиз» кичкинтой оҳанг селига ром қолиб ширин уйқуга толади. Алла айтгувчи бир неча дақиқалик куйга ўз орзу-умидлари, армонлари, лўнда қилиб айтганда, ўз юрагини қўшиб айтган. Фарзанд қалбига йўл топган.

Шул тўғрида бир оғиз назмий сўзимиз:

ХАЛҚ ОҲАНГИДА

Бобонг берган туянг қани ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Совға бўлсин туянг таги(н) ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Момонг берган биянг қани ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Шул бияни хор этмагил ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Асли қўзим ўзинг бўлғин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Айтар сўзим ўзинг бўлғин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Раҳмат етса басдир бизга адабингдан ҳуё-ҳуё.
Қўзигуллар очилсин-ей қадамингдан ҳуё-ҳуё.
Кекса дилим кексалигин унутди-ей ҳуё-ҳуё.
Нурга тўлиб ёшариндим ҳар дамингдан ҳуё-ҳуё.

Асли қўзим ўзингсан-ей, ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Айтар сўзим ўзингсан-ей, ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Иймон йўлин маҳкам тутқин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Мактаб бориб билим қучқин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Шул иккиси кетмас давлат ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Бахтинг йўлин ўзинг очқин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Асли қўзим ўзинг бўлғин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Айтар сўзим ўзинг бўлғин ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Бобонг берган туянг қани ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Туя минган йўл тортқайдир ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Асли қўзим ўзингсан-ей ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.
Айтар сўзим ўзингсан-ей ҳуё-ҳуё, ҳуё-ҳуё.

Дил Мурод ХЎЖАҚУЛОВ

Манбалар

УЛУҒ САЙЁҲ ЙЎЛНОМАСИ

Транспорт воситалари тўлиқ ривожланмаган ўрта асрларда Иброҳим ибн Яъқуб, Абу Али Ибн Руста, Аҳмад ибн Фадлон, Абу-л-Ҳасан ал-Масъуди, Абу Ҳамид ал-Ғарноти каби йирик сайёҳ олимларнинг юрт кезиб, сафар қилишлари мусулмонларда қадимданоқ ўзга ўлкаларни кўриш, ўзга халқлар билан танишиш ва ўзга мамлакатлар жуғрофиясини ўрганишга катта қизиқиш бўлганлигини кўрсатади. Муҳим тадқиқотларидан бирини Ислом дунёсининг сайёҳ олимлари меросига бағишлаб, «Араб жуғрофия адабиёти» номли улкан илмий асар яратишга машҳур шарқшунос И. Ю. Крачковскийни ундаган асосий сабаблардан бири ҳам шундадир.

Умрининг 25 йилдан кўпроқ вақтини хавф-хатарга тўла сафарда ўтказиб, қуруқлик ва денгиз йўллари орқали тахминан 130 минг км масофани босиб ўтган Абу Абдуллоҳ ибн Баттутани (1304 — 1377) Америка кашфиётчиси Христофор Колумб билан бир қаторда турадиган улкан сайёҳ десак, асло янглишмаймиз.

Ибн Баттута сафар таассуротлари ҳақидаги ўз ҳикоясини, «Инини тарк этган учирма қуш каби ватаним (Танжа шаҳридан) чиқиб кетдим», — деган сўзлар билан бошлаши бежиз эмас, албатта. Чунки, энди йигирма икки ёшга тўлган, қирчиллама йигитлик пайтида у ҳеч бир ҳамроҳсиз, ўз жонини хавф остига қўйиб, бошқа ўлкаларни кўриш орзусида машаққатли саёҳатга отланди.

Ҳаж баҳона йўлга чиққан Ибн Баттута Миср, Сурия, Саудия Арабистони, Ўрта Осиё, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Малдив ороллари, Шри-Ланкада бўлиб, бой таассуротлар билан 1349 йилда Фас шаҳрига келади. Бу ерда ҳукмронлик қилаётган марининлар сулоласининг сулотони Абу Инон сайёҳ-меҳмон шарафига зиёфат бериб, уни Андалусия сафарига ундайди. Андалусиядан қайтиб келгач Ибн Баттута султон топшириғига биноан Африка сафарига йўл олади. Ҳуллас, 1354 йилда минг ҳил йўл азобини бошидан ўтказган сайёҳ ўз сафарини тугатиб, эсон-омон яна Фасга келади.

Ибн Баттутанинг сафар ҳақидаги таассуротлари ва ҳикоялари султон Абу Инонда катта қизиқиш уйғотганлигидан ўз тарихчиси Ибн Жузай ал-Калбийга уларни ёзиб олиб, китоб ҳолига келтиришни буюради.

Бу жиҳатдан Ибн Баттутани италиялик сайёҳ Марко Полога ўхшатиш мумкин. Зеро иккининг ҳам сафар хотиралари ўзлари эмас, котибларининг ёзиб қолдирганлари орқали бизгача етиб келган. Иккови ҳам географ олим эмас, оддий саёҳатчи эдилар, холос.

Ибн Баттутанинг оғзаки ҳикояларини Ибн Жузай ўзининг дур сочувчи қалами бирлан қоғозга туширириши натижасида, 1356 йили «Туҳфатуннуззор фи ғаройиби-л-амсор ва ажойиби-л-асфор» («Сафар ажойиботлари ва шаҳарларнинг ғаройиботлари ҳақида нозирларга туҳфа») деб аталувчи китоб юзага келдики, унда баён этилган тарихий воқеалар, халқларнинг туриш-турмуш, маданий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид фактик материалларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги ўқувчини лол қолдирмаслиги мумкин эмас. Асарнинг мана шу жиҳатларини ҳисобга олган Шарқ, Ғарб олимлари ўз тадқиқотларида уни юқори баҳолаганлар, ва у жаҳон тилларининг бир қанчасига таржима ҳам қилинган. Дарҳақиқат, биз шартли равишда «Саёҳатнома» деб атамоқчи бўлган ушбу асарнинг, Ибн Баттута ўз кўзи билан кўрган, ўзи шахсан гувоҳ бўлган маълумотлар асосида ёзилганлиги, унинг қимматли тарихий-жуғрофий манба эканлигидан далолатдир.

Ибн Баттута сафар давомида кўрган мамлакатлар, ўлкалар, шаҳарлар, жумладан Хоразм, Бухоро, Самарқанд каби Ўрта Осиёнинг йирик марказлари ҳақида ҳам «Саёҳатнома»да бир-биридан қизиқ маълумотлар берилган ва ғаройиб воқеалар баён этилган. Демак асар халқимизнинг ўрта асрлардаги маънавий ҳаётини ўрганиш, ватанимизнинг ҳаққоний тарихини яратишда ҳам асл манбалардан бири бўлиши шубҳасиз. Ибн Баттута ўрта асрлардаги шаҳарларимиз гўзаллигини берилиб тасвирлайди, ундан завқ олади: «Биз ... саҳрони кесиб ўтиб Хоразмга келдик. Бу турклариннг катта, муҳим, чиройли ва улуғвор шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари жуда кўп, иморатлари ва жозибадор, кўркам жойлари бор. Шаҳарда ҳаёт қайнайди, аҳолиси шунчалик кўпки, у мажжаниб турган денгизни эслатади... Хоразм қовунига тенг келадигани дунёда йўқ».

«Саёҳатнома»ни мутолаа қилар эканмиз, юртимиз ошиқ олдида юзидан ҳижоб пардасини кўтарган париваш мисол ўзининг олти юз эллик йил олдинги гўзаллиги ва чиройини кўз ўнгимизда намоён этади. «Вобкент чиройли шаҳарча. Унда ариқлар, боғлар сероб. Шаҳар аҳолиси йил бўйи уйида узум сақлайди...

Мен... Самарқандга жўнадим. Бу жуда йирик ва ғоят гўзал шаҳарлардан биридир. У Водий ал-қассарин дарёсининг қирғоғида жойлашган. ... Дарё қирғоғида шундай улкан саройлар ва бинолар қад кўтариб турадики, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолатдир».

Маълумки, Ибн Баттутанинг Ўрта Осиёга саёҳати, бу ўлкаларнинг мўғул истилочилари томонидан бошқарилаётган даврига тўғри келди. У ўз хотираларида юртимизнинг гўзал шаҳарлари, улардан етишиб чиққан мусулмон оламининг машҳур алломалари, мутасаввиф донишмандлари ҳақида ҳайратланиб ҳикоя қилиш билан бирга, бу мўътабар заминнинг кўп жойларини босқинчилар вайрон этиб, харобага айлантирганлиги, мадраса ва масжидларни йўқ қилиб мамлакатга оғир асоратлар этказганидан куюниб гапиради: «Бухоро муҳаддислар имоми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг ватанидир. Бу шаҳар Жайҳун ортидаги шаҳарларнинг пойтахти эди, аммо Ироқ подшолари (илхонийлар)нинг аждоди бўлмиш лаънати тотор Чингиз уни вайрон қилди. Ҳозир баъзи бирларини истисно этганда шаҳардаги масжидлар, мадрасалар ва бозорлар хароба қилида ётибди».

Халқимизнинг мўғул истилочиларига қарши кўтарган исёнлари аёвсиз бостирилганлиги ҳақида ҳам Ибн Баттута фактли тарихий маълумотлар келтиради: «Мусулмонлар Балҳда ва Моровроуннаҳрда Чингизхонга қарши бош кўтардилар. У орқасига қайтиб, қўлида қилич билан Балхга келди ва уни буткул бузиб ташлади. Термизда ҳам худди шундай иш тутди. Термиз бутунлай харобага айланди ва у ҳозирга қадар (аввалги ўрнида) тикланмаган».

Бу келтирилган маълумотлар умумондан қатра, холос. «Саёҳатнома»да бунга ўхшаш тарихий воқеалар, юртимизда яшаб ижод этган алломалар, давлат бошлиқлари, ҳукмдорлар, қозилар ва фақиҳлар ҳақида кўплаб қизиқарли хабарлар баён қилинган. Шу боис, шарқшунос олим, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, профессор Неъматулло Иброҳимов 80-йилларда бу асарни тадқиқ этишга киришиб, 1975 йилда номзодлик диссертатсиясини ёқлади. Заҳматкаш олимнинг кўп йиллик изланишлари натижасида 1988 йил Москвада «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати» номли монография чоп этилди. Унда сайёҳнинг Ўрта Осиё ва Хуросон сафарларидан олган таассуротлари рус тилига таржима этилиб, тўлиқ изоҳ, шарҳлар билан таъминланган, ҳамда ўз вақтида ушбу тадқиқот йирик шарқшунослар ўртасида сазовор ҳам бўлган эди. Бу китоб 1993 йил Тошкентда ўзбек тилида ҳам нашр этилиб, ўқувчиларга етказилди.

Лекин, шу билан «Саёҳатнома»ни ўрганиш иши тўхтаб қолгани йўқ. Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида халқимиз маънавиятига доир ёзма ёдгорликларни тадқиқ этувчи махсус илмий гуруҳ тузилиб, унда Ибн Баттутанинг сафар хотиралари ўрганиш, қолган ишларини ҳам таржима қилиш вазифаларидан бири сифатида белгиланди. Чунки қўшни ўлкалар ҳақидаги тарихий-жуғрофий ва биографик маълумотларга ҳам бой бўлган бу асар ўқувчилар, шарқшунос олимлар учун аҳамиятли эканлиги шубҳасиздир.

Арабшунос олимлар Н. Иброҳимов, Т. Мухтаровларнинг саъй-ҳаракатлари ва машаққатли меҳнатлари натижасида «Саёҳатнома»нинг катта бир қисми, яъни Шимолий Африка, Миср, Шом, Макка, Ўрта Осиё хотираларига бағишланган бўлимларини рус тилига тўлиқ таржима қилиш, илмий изоҳ ва шарҳлар билан таъминлаш иши муваффақиятли якунланди. Яқинда ушбу тадқиқот «Ибн Баттута саёҳатлари: Араб олами ва Марказий Осиё» номи билан 500 нусхада чоп этилди. Китобга академик Бўрибой Аҳмедов домла сўзбоши ёзганлар ва тарих фанлари номзоди, дотсент А. Мўминов масъул муҳаррирлик қилган.

Маълумки, тарихий-жуғрофий асарларни таржима қилиш, унда жой, шахс номлари, атамаларнинг кўплаб учраши сабабли тадқиқотчидан катта масъулият, игна билан қудуқ қазишдек қийин меҳнат талаб қиладиган ишдир. Ундан ташқари, асар тилининг бойлиги, муаллифнинг бадиий баён қилиш услубини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. «Саёҳтнома» таржимонлари умуман олганда бу вазифани юқори савияда, аниқлик билан амалга оширганлар, асар тилининг гўзаллиги ва муаллифнинг ўзига хос услубини имкон қадар сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар. Ўқувчига баён қилинаётган воқеаларни тушуниш осон бўлиши учун тузилган изоҳ, шарҳлар ўзининг мукаммаллиги билан ажралиб туради ва таржиманинг илмий қимматини яна ҳам оширади.

Ҳар қандай катта ишда бўлгани каби, бу тадқиқотда ҳам баъзи жузъий нуқсонлар кўзга ташланади. Масалан: 153-бет, 29-изоҳда шиа мазҳабига тегишли оқимлардан бири ҳисобланган «рофизийлар» қисқа қилиб, «шиаларнинг бошқа бир номи» деб шарҳланган. 315-бет, 125 рақамли изоҳда эса, яна шу «рофизийлар»га таъриф берилган. Бу ерда ушбу истилоҳ ўзининг тўлиқ, илмий жиҳатдан мукаммал ва тўғри таърифини олган. Агар изоҳ ва шарҳлар ҳар битта бўлимга алоҳида берилмасдан, ҳаммаси китобнинг охириги ўтказилганида бундай қайтариқ ва чалкашликка йўл қўйилмаган бўлармиди?

Аммо, бармоқ билан санарли даражада оз бўлган бундай камчиликлар тадқиқотчи — таржимонларнинг билим ва маҳоратларини заррача камситмайди, бажарилган илмий ишнинг савиясини асло камайтирмайди. Заҳматкаш олимлар маънавий маданиятимиз, ўтмиш меросимизни тарғиб қилишдек савоб ишга ўзларининг муносиб улушларини қўшдилар десак, ҳақ гапни айтган бўламиз.

Ибн Баттута «Саёҳтнома»сининг қолган қисмлари, Ҳиндистон, Хитой сафари хотираларига бағишланган бўлимлари ҳам яқин вақтлар ичида таржима этилиб, араб тилидан бевосита ўзбекчага ўгирилиб, ўқувчилар ундан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар деган умиддамиз.

АКРАМ ҲАБИБУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди

АМЕРИКА ХАТЛАРИ

БОР ЭКАН ТАҚДИРИДА

Ғарбда ўқиган биринчи ўзбек тилшуноси

АҚШ кутубхоналарида сақланаётган Туркистонга оид ҳужжатларни варақлаётиб, водиллик тилшунос олим Мўминжон Тешабойнинг ҳаёти ва фаолияти акс этган маълумотларга кўзим тушиб қолди. Бу мураккаб тақдирли ватандошимизнинг исми шарифи шўро ёзувларида ҳар ҳолда Мўминжон Тешабоев бўлса ажаб эмас.

Мўминжон йигирманчи асрда Ғарбий Оврупода илм олиб, тилшунос олим илмий даражасини қўлга киритган биринчи ўзбек бўлганлиги менинг эътиборимни ўзига жалб этди.

Мўминжон Тешабоев 1920 йил 22 февралда Фарғона вилоятининг Водил туманида эл ҳурматини қозонган оилада дунёга келади. У бошланғич маълумотни ўз қишлоғида, ўрта маълумотни эса Фарғона шаҳрида олишга эришади.

1941 йили аскарликка чақирилган Мўминжон душманга қарши курашиб, ўша йилнинг охирида жанг майдонида асир олинган экан.

Мўминжон Германияда бир қанча мажмуа, газета, тўпламларни чиқаришда қатнашади.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, Мўминжон Ғарбий Олмонияда қолиб, дастлаб турли корхоналарда оддий ишчи бўлиб кун кўрган. Бошидан кечирган қаттиқ мушкулотларга қарамай, бу ёш ўзбекнинг енгилган, вайрон бўлган мамлакатнинг харобалари орасида жон сақлаб қолишидан ташқари яна илм олишни ўйлаганлиги кишини таажжублантирмай қўймайди.

Мўминжон Тешабой 1951 йили Ғарбий Олмониянинг Мунстер (Munster) шаҳри университетига ўқишга кириб, 1956 йили шу университетни муваффақиятли тугатиб, тилшунослик бўйича докторлик илмий даражасини олади. Мўминжон хорижий мамлакатларда ўқиб, тилшунослик бўйича илмий даража олган биринчи ўзбек олими саналади. Мўминжон тилшунослик соҳасида комил илмга эга бўлганлиги боис, Мунстер университети уни шу дорилфунунда ўқитувчилик ишида олиб қолади ва натижада ўзбек бир неча йиллар мобайнида ўзи ўқиган Мунстер университетида ассисент-профессор бўлиб фаолият кўрсатади.

Мўминжон ҳаёти ва фаолиятига оид ҳужжатлар билан танишганимдан сўнг, бу ватандошимизни шахсан билган, таниган, бирга ишлашган кишилар билан суҳбатлашдим, Мўминжон ҳақида уларнинг фикрларини сўрадим. Ўша даврларда Мўминжоннинг иш фаолиятини, ақл-фаросатини, хулқ-атворини кузатганлар «Мўминжон Туркистоннинг гули эди», деб бир овоздан таъкидлашди.

Мўминжон Тешабой 1963 йили май ойининг 21 куни ишлаб турган вақтида тўсатдан оламдан кўз юмган. Табибларнинг аниқлашича, унинг жигар хасталиги бўлган. Мўминжондан бир ўғил (1957 йилда туғилган) ва бир қиз (1959 йили туғилган) қолган. Мўминжон Олмониянинг Оснабрук (Osnabruck) шаҳридаги қабристонга мусулмонлар одати бўйича дафн этилган.

Мўминжон деярли йигирма йил (1943-1963) мобайнида тилшунослик, адабиётшунослик, Ўрта Осиё тарихи, сиёсий ҳаётга оид турли-туман мақолалар яратган ва уларни И. Тожибой (I. Tacibay), М. Водий (M. Vadi), М. Тешабой (M. Teshabay), М. Водий Тешабой (M. Vadi Teshabay) каби тахаллуслар билан матбуотда эълон қилиб борган.

«Иккинчи жаҳон уруши ва Туркистон халқи» (Бу иш 1952 йили Германияда инглиз ва ўзбек тилларида чоп этилган), «Ёрмат Қўрбоши исёни» (1953 йил Германия, инглиз тилида), «Оқ олтин (пахта) учун кураш» (1952 йил Германия, инглиз тилида) каби ишларида ёритишга ҳаракат қилган.

Водиллик бу олимнинг ўзига хос иқтидори шундан ҳам билинадики, у биринчилардан бўлиб, Аҳмад Яссавий ижодига кенг ўқувчилар оммасининг эътиборини жалб этади. Мўминжоннинг «Аҳмад Яссавий» (1953 йил Германия, инглиз ва ўзбек тилларида) номли иши машҳур туркий шоирнинг бетакрор ижодини ёритишга бағишланган.

Мўминжон қаламига мансуб «Зўрланган филология» (1953 йил Германия, инглиз тилида), «Тил тўғрисида» (1963 йил германия, ўзбек тилида) каби ишлар ўзбек тилшунослигининг ечилмаган, чалкаш масалаларини ёритишга қаратилган.

«Зўрланган филология» ишида Мўминжон ўзбек тили билимининг ўрислаштирилиши жараёнини аниқлаб, уни танқид этган бўлса, учта алоҳида мақолалардан ташкил топган «Тил тўғрисида» номли асарида ўзбек тилининг товуш тизими, сўз бойлиги ҳамда жумла қурилиши қонуниятларини ўрганган. Ўзбек тилидаги чалкашликлар, камчиликлар рўй-рост очиб ташланган.

Умрининг сўнгги йилларида Мўминжон катта «Ўзбекча-инглизча луғат» устида иш олиб борган. Афсуски, бу иш тугалланган бўлсада, қўлёзма ҳолида қолиб кетган. Ўз луғатини чоп этиш ватандошимизга насиб этмади. Наталия Вотерсон Мўминжон тузган луғатнинг у ёқ бу ёғига қўл уриб, ўз номи билан 1980 йили Оксфорд университети нашриётида чоп этди.

Мўминжонни таниган барча туркистонликлар бу ҳақда менга маълумот беришди. Вотерсон бу китобни балки Мўминжон хотирасига бағишлангандир, деб ўйларсиз. Йўқ, луғатни ота-онаси хотираси учун бағишлаган-қўйган.

Луғатнинг «Сўз боши»сида Вотерсон «Мазкур луғатни тузишда Б. Х. ва И. Т. исмли икки ўзбек баҳосиз кўмак бердилар» деб ёзган. «Б. Х.» — исмли асли наманганлик ўзбек, 54 йилдан бери Олмонияда истиқомат қилади. «И. Т.» ҳарфлари эса Мўминжон тахаллусларидан бирининг (И. Тожибой-И. Т.) қисқартмасидир. Бу луғатга киритилган сўзларнинг аксарияти Фарғона водийси шеваларига хос сўзлар. Шу сабабли бундай луғатни ўша водийга илмий сафар уюштириб, ёки ўша ерлик мутахассиснинг саъй-ҳаракати билангина тузиш мумкин бўлади. Мазкур луғатдан ўрин олган айрим сўз-иборалар ҳатто «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»га ҳам кирмаган.

Н. Вотерсон луғатни 1980 йили чоп эттирган. Мўминжон эса 1963 йили боқий оламга юз тутган. Мўминжон вафотидан ўн етти йил кейин қайси йўл билан хоним ўзбек олимининг бебаҳо ёрдамидан бахраманд бўлди экан? — деган саволга жавоб очиқлигича қолмоқда.

Мўминжон Тешабоевнинг тилшунросликка доир ишлари ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди.

Хайрулла ИСМАТУЛЛА,
17 июн 1996 йил
Блумингтон шаҳри

ҚОРАҚУМДА ПОРТЛАГАН БОМБА

Собиқ СССР ҳудудида иккита ядро полигони бўлиб, бири Семипалатинск, иккинчиси Арктиканинг Янги Ер ороллари да жойлашгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу полигонларда тинчлик ва ҳарбий мақсадларда 714 марта ядро синови ўтказилган. Бундан ташқари 1954 йилда Оренбург вилоятида жойлашган Тотс артиллерия полигонида самолётдан атом бомба ташланган ва 350 метр баландликда портлатиб юборилган.

Аммо бу ҳаммаси эмас. Яқинда «Труд» (1996 йил 6 июн сони) газетаси собиқ ССРда 1956 йилда яна бир ядровий тажриба ўтказилганини маълум қилди. Бу тажриба ўта махфий бўлиб, 40 йил давомида бор-йўғи бир неча ўн кишига маълум бўлган холос.

Евгений Василевич Шабаров ракетачилик соҳасида мамлакатдаги энг йирик мутахассислардан ҳисобланади. У салкам эллик йилдан буён шу соҳада ишлаб келмоқда. Ўз вақтида С. Королёв, В. Мишин, В. Глушко каби бош конструкторларга ўринбосар бўлган. У «Труд» газетаси сиёсий шарҳловчиси В. Голавачевга ўша узоқ йилда бўлган синов ҳақида сўзлар экан, бу ракетачилик соҳасида ҳам, атомчилик соҳасида ҳам катта ютуқ бўлганини таъкидлайди.

Унинг гапига қараганда, 1947 йилдан бошлаб ракета синовлари бошланган. 1949 йилда Р2 ракетаси яратилган У 550 километрга уча оларди. 1952 йилга келиб 1200 километрга учадиган Р5 яратилади. Аммо бу ҳам ядро бомбаси ўрнатишга ярамайди. Чунки 1953 йилги синов пайтида учирилган 9 та ракетанинг бор-йўғи учтаси белгиланган манзилга етиб боради. Орадан бир йил ўтиб янги синовлар бошланади. Энди 10 та отилган ракетанинг 7 таси белгиланган нуқтага етиб боради. Лекин бу ҳам ҳукумат комиссиясини қониқтирмайди.

1955 йилда Сергей Королёв конструкторлик бюросида Р5М ракетаси яратилади. Худди шу ракета И. В. Курчатов бошчилигида яратилган атом бомбани белгиланган манзилга етказиши керак эди.

Мудофаа вазирлигининг (1946 йилда қуриб битказилган) давлат марказий ракета полигони ўта махфий объект ҳисобланарди. У Астрахан вилоятининг Капустин Яр қишлоғи яқинида жойлашган бўлиб, Волгограддан (ўша пайтдаги Сталинграддан) 100 километр узоқликда эди. Бу ерда ядро заряди жойлаштирилган ракетани учиришга узоқ тайёргарлик кўрилади. Уран зарядлари уч киши томонидан қўлда жойлаштирилади. Тайёргарлик ишларини шўро атом бомбасининг «ота»ларидан бири Юрий Борисович Харитон, Мудофаа вазири Георгий Константинович Жуков доимо кузатиб турарди.

1956 йилнинг феврал ойида ракета тайёр бўлади. Унинг двигатели этил спиртида ишларди. Оғирлиги 28,4 тонна эди.

—Ракета учадиган кун фавқулодда ҳодиса рўй берди,—дея эслайди Шабаров.—Кечқурун соат ўнларда тезда старт майдончасига келиш тўғрисида кўрсатма олдим ва бир зумда айтилган ерга келдим.—С. Королёв, Ю. Харитон ҳам шу ерда эди. Ракетанинг бош қисмидаги иссиқлик даражаси нолга тушиб қолибди. Бунинг сабабини аниқлашга киришдик. Билсак, токка уланадиган вилка ўрнидан қўзғалиб кетган экан. Эртасига куннинг ўрталарида ракета учирилди. Кнопкани майёр Виктор Менжиков босди.

Ракета Россиянинг жанубий ҳудудлари, Урал дарёси, Шарқий Қозоғистон устидан ўтиб, жами 1200 километрлик масофага учиб борди. Аммо ҳеч ким ўша пайтда тепада атом бомба билан зарядланган ракета учаётганини сезмади. Маълум вақтдан сўнг ракета атмосферадан чиқди ва ерга туша бошлади. Атом бомба белгиланган жойда—Орол денгизидан 150 километр шимоли шарқда Қорақумнинг кимсасиз барханларида портлади. Бомбанинг қуввати Хиросимага ташланган бомбанинг қувватидан анча кам бўлса-да, атом барибир атом эканлигини унутмаслик керак.

—Биринчи марта бундай узоқ масофага синов бўлаётганди,—дея эслайди Шабаров.—Ракета учган пайтда ҳамма нарса бўлиши мумкин эди. Ҳатто учган заҳоти ёки йўлда бора туриб бирор шаҳар устида портлаб кетиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. Шунинг учун ҳам биринчи тажрибани жуда сергаклик билан кузатганмиз. Агар ракета курсдан чиқадиган бўлса, марказга «Айвенго» деган сигнал берилиши ва у самода портлатиб юборилиши керак эди.

Орадан 40 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бомба портлаган жойларда ҳозир радиоактив нурлар қолмаган. Аммо ўша 1955 йилда бу ҳудуд тиконли симлар билан ўраб қўйилганди.

Шундай қилиб, Капустин Яردан отилган ракета Шарққа учди. Нега? Нега у кимсасиз Сибир ўрмонларида ёки Шимолий муз океанида синаб кўрилмади? Бугун бу саволга жавоб бериш мумкин. Коммунистлар учун ўз ерига қараганда мустамлака қилинган ерларда қурол синаш осонроқ эди. Шунинг учун ҳам Семипалатинск ядро синовлари ўтадиган асосий майдонга айланди, Қорақумда атом бомба портлатилди. Бу мустамлакачилик сиёсатининг яна бир белгисидир.

Б. УММАТОВ тайёрлади

ЧЎЛПОН МЕРОСИНИ БИР ЧАМАЛАБ КЎРАМИЗМИ?

Давоми.
Боши биринчи бетда.

Шу ўринда шоирнинг сингласи — Фоика аянинг хотираларидаги бир ўринни эслатиш жоиз. Онахоннинг хотирлашича, Чўлпон ўсмирлик чоғида Миркомилбойни танқид қилиб газетга ёзган экану, бу билан оиласидагиларни — отаси Сулаймонқул баззозни анча ташвишга қўйган экан. Мана шу факт тасдиғини топиш учун кутубхоналаримизда мавжуд газета тахламларини қанчалик синчков текширмайлик, ҳаракатларимиз зое кетди. Сабабки, у пайтлар чоп этилган газеталарнинг ҳаммаси ҳам тўпланган эмас, тўпланганлари чала. Кўринадики, Чўлпон асарларини тўла тўплаш учун инқилоб арафасида Туркистонда тарқалган жадид нашрларининг тўла тахламларини синчиклаб қўздан кечириш зарур. Бу тахламлар Москва, Қозон, Уфа каби шаҳарлардаги архивлару кутубхоналардан топилмаса...

Маълумки, инқилобдан кейинги дастлабки йиллар — Чўлпоннинг айни кучга тўлган ёшлик даври тамомила журналистлик фаолиятига бахш этилган. Зиё Саиднинг маълумот беришича, Чўлпон Қўқонда чоп этилган «Меҳнат байроғи», «Янги Шарқ» газеталари ишида фаол қатнашган. Бироқ, ҳозирча, шу газеталарда эълон қилинган Чўлпон асарларига эга эмасмиз. Сабабки, Тошкент кутубхоналарида улар сақланган эмас. Ёки бошқа бир мисолга эътибор қилайлик. Чўлпон 1923 йилда Андижонда чоп этилган «Дархон» газетасининг ташкилотчиси ва асосий муаллифларидан бири эди. Бор йўғи 18 та сони чиққач тўхтаб қолган бу газетада, агар ҳар бир сонга биттадан материал берган эса-ёқ, Чўлпоннинг анчагина нарсаси бўлиши лозимдек. Бироқ, таассуфки, бу газета ҳам республикамизда деярли сақланган эмас. Ўша пайтда Фарғона фронти штабининг нашри сифатида чоп этилган «Дархон»нинг тахламларини қайдан топса бўларкин? Ўйлашимизча, Москва архивларида, хусусан, собиқ Совет Армияси архивидан унинг излари топилиши керак.

Кўпчиликка маълумки, Чўлпон эндигина оёққа тураётган ўзбек театрининг такомили йўлида астойдил бел боғлаган фидойи кишилардан эди. Айниқса, адиб Москвада яшаб, Ўзбек драмстудиясида адабий эмакдош сифатида ишлаган пайтлари театр ва драматургиямизга кўп хизмати синганди. Чўлпон истеъдодли ёшлардан тузилган труппа учун рус ва ғарб драматургиясининг мумтоз асарларини таржима қилиш билан бир қаторда, ўзи ҳам оригинал асарлар ёзганди. Хусусан, Чўлпон машҳур санъаткор Юсуфжон қизиқ Шакаржонов айтиб юрган ҳангомалардан бири асосида бошқа бир машҳур санъаткор Л.Свердлин таклифи билан «Яна уйланаман» номли пьеса яратган. Бу асар ўз вақтида драмстудиячилар томонидан саҳнага ҳам қўйилган. Ҳозирда бизга фақат номигина маълум бу асар саҳнага қўйилишидан аввал муҳокама қилинган, бадиий кенгаш кўригидан ўтган бўлиши эҳтимоли йўқ эмас, албатта. Шундан кўнгилда бир умид учқуни милт этадики: Театр архивидами, ўша Ўзбек драмстудияси ҳужжатлари орасидами ёки Л.Свердлиннинг шахсий архивидами «Яна уйланаман»нинг, эҳтимол яна бошқа асарларнинг матнлари ётмаганмикан?..

Чўлпоннинг «Бой», «Ҳалил фаранг», «Ёркиной», «Ўрток Қаршибоев», «Муштумзур», «Чўрининг исёни», «Чўпон севгиси», «Қоровул уйқуси», «Ўзунқулоқ бобо», «Замона хотини», «Яна уйланаман», «Ҳужум» каби ўндан ортиқ драматик асар ёзганлиги маълум. Бироқ ҳозирда улардан учтасинингина матни топилган, холос. Хўш, қолган асарларнинг ҳам топилишига умид қилиш мумкинми? Албатта, мумкин. Умидланишга асос беруви жиддий мулоҳазаларимиз ҳам бор. Гап шундаки, бу асарларнинг айримлари ўз вақтида пойтахт ва вилоят театрларида саҳна юзини кўрган. Саҳнага қўйилиш олдидан муҳокама қилингани, нусха кўпайтирилиб актёрларга тарқатилгани эҳтимолдан ҳоли эмас. Шундай экан, уларнинг матнлари мавжуд нозирлиги ҳужжатлари орасида, вилоят архивлари ёки алоҳида театрлар архивида сақланиб қолган бўлиши жудаям мумкин. Иккинчи томони, ўша давр саҳна ҳаҳматкашлари — маҳкум санъаткорларимиз хонадонларидаги шахсий архивларидан ҳам умидвор бўлишга асосимиз йўқ эмас. Тўғри, мудҳиш қўрқув ва таъқиб йилларида Чўлпон асарларини сақлаш ўз жонига жабр қилишдан бошқа нарса эмас эди. Бироқ, санатқорларимиз орасида чинакам фидойи, яхши қунлар келишига ишониб, келажак олдидаги масъулликни теран ҳис этиб яшаган зотлар кўп бўлганлигига ишонгимиз келади. Ахир, отахон адибимиз М.Муҳамедов ҳам ширин жонини гаровга қўйиб, «Замона хотини»ни асраб-авайлаб сақлаганлар-ку?!

Кези келганда мавзуимизга бевосита алоқадор бошқа бир масалага ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чўлпон ҳаёти ва фаолияти ҳақида фактли манбаларнинг ниҳоятда камлиги ҳаммага ҳам маълумдир. Шу боис ҳам Чўлпонни кўрган-билган кишилар — отахону онахонларимизнинг хотиралари у ҳақдаги тасаввуримизни қилувчи асосий манбага айланади. Шуни теран англагани учун ҳам бундан тўрт-беш йил муқаддам жонқуяр чўлпоншунос устоз О.Шарафиддинов биз ёшларни хотира ёзиб олишга тинимсиз ундаган. Ўзи ҳам бу машаққатли ишга қўл урган эди. Афсуски, ўшанда жуда яхши бошланган бу ҳайрли иш ҳам техник сабаблар боис тўхтаб қолди. Худди шу гапни «Чўлпон дунёси» номли салмоқдор тадқиқотлар тўплами ҳақида ҳам айтишимиз мумкин. Шу ўринда Фоика ая хонадонида сақланаётган қўлёзма ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Онахон йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келган дафтарда оталари Сулаймон баззоз машқлари жамланган. Энг муҳими, дафтарга кирган шеърларнинг айримлари Чўлпон қаламига мансуб бўлиши эҳтимолини ҳам айтадилар. Фоика ая қўлёзмадан кseронусха кўчириб яхши ниятлар билан бизга бергандилар. Айтиш керак, қўлёзманинг хати анча оғир, арабий-форсий иборао сўзлари кўп, хуллас, уни яхшигина малакага эга, матншунос ҳозирги ёзувга ўгирмаса, биздайларга йўл бўлсин. Юрт кенг: мутахассис ҳам топилди, беш-тўрт идораларга учрашиб, «спонсор» ҳам қўнгандек бўлди. Лекин афсуски биз топган (яъни, ваъда қилинган) маблағ мўлжалдаги ишни амалга ошириш учун урвоқ ҳам бўлмас эмиш. Тўғри, қуруқ фидоийликнинг ўзи билан узоққа бориш қийин. Шунинг учун икки юз саҳифадан зиёд араб имлосида битилган қўлёзмани ҳозирги ёзувга ўгиришнинг чорасини излаш, топишга тўғри келади. Келинг, бу ҳақда кўплашиб фикрлашайлик...



Юқоридаги мулоҳазаларимиз Чўлпон меросини тиклаш эндиликда беш-тўртта адабиётшуносниг ўзи уддалай оладиган иш бўлмай қолганини кўрсатади. Мазкур масалага кўпчилик диққатини жалб этишга уринишимиз ҳам шундан. Бу ишга кўпчилик бўлиб киришсаккина дурустроқ натижаларга эришишимиз мумкин, зеро, қўпдан қуён қочиб қутулмас, деганлар. Республика ва вилоят архивларию кутубхоналар ходимлари, кекса санъаткор ва журналистлар, адибу шоирларимиз, маданиятимизга хизмат қилиб ўтган марҳумларимизнинг фарзандлари, филолог-талабаларимиз бу ишда беқиёс катта ёрдам беришлари мумкин. Иккинчи томондан, бу ишга республикамизнинг катта-кичик корхоналари, муассаса ва ташкилотлар, фирмалар, тўжкору тадбиркорларимизнинг бош қўшишлари жуда зарур. Зеро, Чўлпон меросини тиклаш анча-мунча моддий ҳаражатлар билан боғликдир. Дейлик, уч-тўртта мутахассиснинг иборат илмий экспедитсия ташкил қилинсаю, Москва, Қозон, Уфа каби шаҳарларга юборилса, Чўлпон қаламига мансуб асарлар, унинг ҳаёти ва фаолиятига оид материалларни топиб келтириш мумкин бўларди. Айниқса, бу ишда Россиядаги элчихона ва ваколатхоналарнинг катта амалий ёрдамлари тегиши мумкин.

Шуниси ҳам борки, бу ишларни ташкил қилиш, кучларни аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда самарали иш юритишни зиммасига ола биладиган муайян марказ зарурати сезилади. Пойтахтимиздами, шоир туғилган Андижондами, шундай марказ ташкил топсаю, ўзининг ҳисоб рақамига эга бўлса, кўпчилик бу ҳайрли ишга бош қўшарди,албатта. Боз устига, бундай марказ Чўлпон таваллудининг 100 йиллик тўйини нишонлаш борасидаги тайёргарлик ишларидан бир қисмини ҳам зиммасига олиши мумкин бўларди.

Ўйлаймизки, Чўлпон меросини тиклаш, унинг хотирасига муносиб ҳурмату эъзозни ўрнига қўйиш бўйнимиздаги қарздир. Шоядки, кўплашиб шу қарзни адо этолсак, буюк адибимизнинг руҳини шодлантирсак.

Дилмурод ҚУРОНОВ

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0402.
4199 нусхада босилди.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.